

Ijtimoiy-huquqiy jurnal

HUQUQ va BURCH

ISSN 2010-5436

№5/2020

ЕВРОСИЁ
ИҚТИСОДИЙ
ИТТИФОҚИ
СУДИНИНГ

миллий суд
тизимларига
таъсири

ПАНДЕМИЯДАН
КЕЙИНГИ
МЕҲНАТ БОЗОРИ
қандай бўлиши керак?



1 июнь – Халқаро болаларни
ҳимоя қилиш куни

Муассислар:

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги,
Бош прокуратураси,
Конституциявий суди,
Олий суди

Таҳрир кенгаши:

Русланбек Давлетов
Ниғматилла Йўлдошев
Бахтиёр Мирбобоев
Козимджан Камиллов
Бош муҳаррир:
Аслиддин Алмардонов

Таҳрир ҳайъати:

Акбар Тошқулов
Бахтиёр Исаков
Светлана Ортиқова
Ҳаёт Шамсутдинов
Шерзод Рабиев
Нодирбек Салаев

Дизайнер:

Азамат Жуманиёзов

Навбатчи муҳаррир:

Шавкат Ёдгоров

Муқовадаги сурат «Ёш куч» журнали билан ҳамкорликда тайёрланган.

Журнал саҳифаларида Аҳмад Тўра фотосуратларидан фойдаланилган.

«HUQUQ va BURCH» ижтимоий-ҳуқуқий журнали Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2012 йил 13 июнда 0251-сонли гувоҳнома билан рўйхатга олинган. Журнал 2006 йил март ойдан чиқа бошлаган. Ойда бир марта чиқади.

Нашр индекси: 902. Сотувда келишилган нархда.

Журнал саҳифаларида чоп этилган материаллардан фойдаланилганда «HUQUQ va BURCH» ижтимоий-ҳуқуқий журналидан олинди деб кўрсатилиши шарт. Таҳририят тақдим этилган мақолаларни тақриз қилиш ва қайтариш мажбуриятини олмаган.

PR белгиси билан берилган мақолалар тижорат мақолалари ҳисобланади.

Таҳририят манзили:

100115, Тошкент шаҳри, Чилонзор кўчаси, 29-уй.

Телефонлар:

Ижодий бўлим: (71)277-04-23, (71) 277-04-51.
Обуна бўлими: (71) 277-04-26; Бухгалтерия: (71) 277-04-72
web-site: www.huquqburch.uz;
e-mail: info@huquqburch.uz

[f facebook.com/huquqburch.uz](https://www.facebook.com/huquqburch.uz)

[telegram.me/huquqburch.uz](https://www.telegram.me/huquqburch.uz)

Журнал 09.06.2020 йилда босмахонага топширилди.
Қоғоз бичими 60x84 1/8. Офсет усулида босилди.
Шартли 8 б.т. Буюртма №1458. Адади: 3900.
«Колорпак» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Тошкент шаҳри, Элбек кўчаси, 8-уй.



ДАВЛАТ- ХУҚУҚИЙ ФАНЛАР

йўналишидаги
тадқиқотлар-
нинг долзарб
муаммолари

2

БЕМОРЛАР ХУҚУҚИ ХИМОЯСИ:

хориж
тажрибаси

10



N.A.P.P.

МАҚСАД –
ПРОКУРАТУРА
ХОДИМЛАРИ
САЛОҲИЯТИНИ
янада
юксалтиришдир

18

ЕВРООСИЁ ИҚТИСОДИЙ ИТТИФОҚИ

судининг
миллий суд
тизимларига
таъсири

22



МУРОЖААТЛАР

билан ишлаш
борасида
айрим ташки-
лий-ҳуқуқий
муаммолар

28

Манфаатлар
тўқнашуви ҳуқуқ
фанида ҳали кам
тадқиқ қилинган.
У турли тавсифга эга
бўлиши, хусусий,
давлат ва жамият
манфаатлари
ўртасидаги
чегараларнинг аниқ
кўринмаслиги, ички
ва ташқи назоратини
ташkil қилиш
мураккаблиги,
манфаатлар
тўқнашувининг
олдини олиш ҳамда
уни бартараф этиш
механизмларининг
илмий-ҳуқуқий
нуқтаси назардан
ноаниқ хусусиятлари
билан ажралиб
туради.

ДАВЛАТ
ХИЗМАТИДА
манфаатлар
тўқнашуви

33

ҚОНУНГА
ХИЛОФ
равишда диний
ташкilot
тузганлик учун
жиноий
жавобгарлик
масалалари

36

ЭНЕРГЕТИКА:
тамойил,
тажриба ва
ислохотлар

42



КЕЛИШУВ
ИНСТИТУТИ
бўйича
хорижий
амалиёт

46

ПАНДЕМИЯДАН
КЕЙИНГИ
МЕХНАТ
БОЗОРИ

қандай бўлиши
керак?

50

СУВ
РЕСУРСЛАРИНИ
муҳофаза
қилишнинг
ҳуқуқий
асослари

54



ЭКОЛОГИК
бошқарув
моҳияти

58

КИММАТ
ПАШТЕТ

62



«Ким билсин,
мушуклар ҳидни
одамдан яхшироқ
сезади дейишади.
Паштетда эса ҳалиги,
нимайди... бутулин
бўлиши мумкин.
Бениҳоя кучли заҳар,
Худо сақласин.
Ҳидсиз, таъмсиз,
заҳарланганини
билмай ҳам
қолади одам».

Давлат-ҳуқуқий фанлар йўналишидаги тадқиқотларнинг долзарб муаммолари



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида юридик таълим ва фанни тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 5987-фармонида миллий юридик таълимнинг самарадорлиги нисбатан пастлигича қолаётганига алоҳида урғу берилди. Шунингдек, юқори малакали мутахассис-ҳуқуқшуносларни тайёрлаш ва мамлакатда юридик фанни ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган қатор тизимли муаммо ҳамда камчиликлар мавжудлиги, ҳуқуқ соҳасидаги илмий тадқиқотлар натижаларини амалий жиҳатдан жорий этишга етарли эътибор берилмаётгани таъкидланди.

Фармонда юридик таълим ва фан тизимини тубдан такомиллаштириш, уларнинг халқаро таълим майдонидаги рақобатбардошлигини таъминлаш, юридик кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш кечиктириб бўлмас вазифа экани қайд этилди. Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида белгиланган йўналишларни амалга ошириш мақсадида бир қатор чора-тадбир-

лар сирасида давлат, ҳуқуқ ва сиёсий-ҳуқуқий таълимот соҳасида фундаментал ва амалий тадқиқотларни амалга оширадиган **Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Давлат ва ҳуқуқ институтини ташкил этиш ҳақидаги таклиф** маъқулланди.

Шу ўринда айтиш жоиз, Фанлар академиясининг алоҳида институти яратилиши жуда ҳам долзарб масаладир. Чунки давлат-ҳуқуқий тадқиқотларда,

айниқса, глобализация шароитида ўзбек давлатчилиги концептуал масалаларини, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг замонавий муаммоларини, миллий ва хорижий давлат-ҳуқуқий муаммоларини қиёсий ўрганишни, маъмурий ва суд-ҳуқуқ ислохотларининг концептуал муаммоларини тизимлилик, изчиллик, яхлитлик, узвийлик асосида тадқиқ этишга жуда катта эҳтиёж туғилаётган эди.



Мустақилликнинг дастлабки ўн йиллигида давлат-ҳуқуқий йўналишда амалга оширилган диссертациялар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, мавзулар асосан давлат органлари фаолиятига бағишланиб, ҳуқуқ, инсон ҳуқуқларига оид мавзулар бироз эътибордан четда қолди.

Диссертациялар мавзулари асосан давлат бошқарувининг конституциявий асослари, давлат ҳокимияти вакиллик органларининг ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти, Ўзбекистон Республикасининг давлатчилик органлари Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи олий органининг шаклланиши ва ривожланиши, парламент назорати масалаларига бағишланди. Хоссатан, давлат қўмитаси фаолиятининг маъмурий-ҳуқуқий муаммолари, тарих ва маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш ҳамда улардан фойдаланиш соҳасидаги давлат бошқаруви, прокуратура органларининг ташкил топиши ва ривожланиши, давлат ҳокимияти органларининг мақоми ва фаолияти, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятнинг ўзаро ҳамкорлиги, ҳокимиятлар



Бизда моддий харажатлар талаб қиладиган қонун лойиҳасини Молия вазирлигига келишув учун мажбурий тартибда юбориш қонунан белгилаб қўйилган. Шу маънода инсон ҳуқуқларига дахл қиладиган қонун лойиҳаларини мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларга мажбурий тартибда юбориш тартибини қонунчилигимизга киритишимиз зарур.

бўлиниши принципини амалга ошириш, соғлом ҳаёт тарзи шаклланишида давлатнинг роли, милиция фаолиятини такомиллаштириш, маданият соҳасидаги давлат бошқаруви кабиларни ҳам санаш мумкин.

Биринчи босқичда маҳаллий давлат ҳокимияти органларига оид тадқиқотлар ҳам шаклланди. Конституция ва

маҳаллий давлат ҳокимияти асослари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларини ислоҳ қилиш (1990–1994 й.) мавзуларида докторлик ва номзодлик ишлари ёқланди. Маҳаллий ҳокимият тизими, ҳокимият аппарати фаолиятини ташкил этиш, маҳаллий давлат бошқаруви органларининг қонунийликни, ҳуқуқ-тартиботни ва

фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш бўйича фаолияти, аҳолини ҳуқуқий тарбия қилишда маҳаллий ҳокимият органларининг ўрни мавзуларида илмий-тадқиқот ишлари амалга оширилди.

Давлат-ҳуқуқи тарихи бўйича эса натижалар у қадар қувонарли эмас. Чунончи, Ўзбекистон ҳудудидаги XIV-XV асрлардаги сиёсий ва ҳуқуқий тафаккур, Ўзбекистон халқларининг XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX асрнинг биринчи чорагидаги сиёсий-ҳуқуқий қарашларининг асосий йўналишлари, Ўзбекистондаги асосий тарихий ҳуқуқ манбалари (VII-XIX асрлар), Файзулла Хўжаевнинг сиёсий-ҳуқуқий қарашлари, Ўзбек давлатчилигини ривожлантиришда Амир Темурнинг роли, Мовароуннаҳрда давлатчилиқни ривожлантириш муаммолари, Форобийнинг давлат ва ҳуқуқ ҳақидаги таълимотлари, Моварауннаҳрда мусулмон ҳуқуқининг асосий институтлари шаклланиши ва ривожла-

ниши мавзулари билан чекланилди.

Хайратланарлиси шундаки, юридик соҳада **кўпгина диссертациялар Қорақалпоғистоннинг давлат-ҳуқуқ масалаларига бағишланди**. Биринчи босқичда Қорақалпоғистон Республикасида миллий давлатчиликнинг шаклланиши ва ривожланиши, Қорақалпоғистон Республикасида давлат қурилишини такомиллаштириш, Қорақалпоғистон Республикаси ижроия ҳокимияти органлари, Қорақалпоғистоннинг ҳуқуқий мақомига оид қонunchилик, Қорақалпоғистонда суд ҳокимияти мавзуларида илмий ишлар қилинди. Иккинчи босқичда эса Ўзбекистон таркибида Қорақалпоғистон Республикаси давлатчилигининг шаклланиши ва ривожланиши, Қорақалпоғистон Республикасида давлат қурилишини такомиллаштириш, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқларининг ҳуқуқий ва сиёсий маданияти сингари мавзулар қам-

раб олинган. Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослари, ҳуқуқий мақоми, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва Вазирлар Кенгаши ўзаро муносабатларининг конституциявий-ҳуқуқий асослари, сиёсий партияларнинг давлат ҳокимияти вакилик органларини шакллантиришда ва уларнинг фаолиятида иштирок этиши, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси фаолиятининг конституциявий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш каби мавзуларда номзодлик, фалсафа докторлиги диссертациялари ёқланди.

Биринчи босқичда Ўзбекистон ёшларининг мақоми, юридик хизмат, юридик жавобгарлик, аёлларнинг ижтимоий-ҳуқуқий фаоллиги, меҳнатни муҳофаза қилиш қонunchилигининг шаклланиши ва ривожланиши, инсон ҳуқуқ ва



эркинликлари кафолатлари, савдо қондаларини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик масалаларига оид диссертациялар ҳимоя қилинди. Корхонада бошқарув кадрларини танлаш ва жой-жойига қўйиш, ривожланган демократик давлатларда сайлов ҳуқуқининг асосий принциплари, кексалар ва ногиронларни ижтимоий ҳимоялаш, виждон эркинлигини давлат-ҳуқуқий тартибга солиш, мулкчилик муносабатларини ислоҳ қилиш, махсус иқтисодий зоналарни ҳуқуқий тартибга солиш, жисмоний шахслардан олинадиган солиқларни ҳуқуқий тартибга солиш каби мавзулар ҳам соҳа диққат марказида турди.

Иккинчи босқичда (2002 йил ва ундан кейинги йиллар) ҳам асосий урғу давлат, унинг органлари фаолиятига тааллуқли бўлди. Инчунин, қонун чиқарувчи ҳокимият, ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнига оид илмий тадқиқотлар кўпайди.

Қонун чиқарувчи ҳокимият, вакиллик органлари функциялари, давлат ҳокимияти тизимида парламент, Ўзбекистонда икки палатали парламент фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини шакллантириш, Олий Мажлис палаталари ўзаро ҳамкорлигининг ҳуқуқий асослари, Қонунчилик палатаси фаолиятини ташкил этишда сиёсий партиялар иштирокининг ҳуқуқий асослари, қуй палата депутати фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатлари, Сенат қўмиталари, комиссиялари, омбудсман институтига оид тадқиқотлар ўтказилди.

Мазкур босқичда **ҳуқуқ**



ижодкорлигига эътибор янада кучайди. Хусусан, қонунчиликни тизимлаштиришнинг назарий ва амалий муаммолари, ҳуқуқ ижодкорлигида прогнозлаш, қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи, қонун ижодкорлигида юридик лингвистиканинг роли, Вазирлар Маҳкамасининг ҳуқуқ ижодкорлиги фаолияти, суд ҳокимиятининг қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи сингари йўналишлар асосий ўрин тутди.

Ижро ҳокимиятига оид: давлат бошқаруви тизимини такомиллаштиришнинг ташкилий-ҳуқуқий муаммолари, давлат ҳокимияти тизимида президентлик институти, президентнинг конституциявий-ҳуқуқий мақоми, Вазирлар Маҳкамасининг конституциявий-ҳуқуқий мақоми, давлат ҳокимияти тизимида президент ва Вазирлар Маҳкамасининг муносабатлари мавзуларида диссертациялар ёқланди. Давлат ҳокимияти тизимида прокуратуранинг ўрни ва роли, давлат хизмати ни ислоҳ қилишнинг назарий ва амалий муаммолари, адлия органлари бошқарувини таш-

кил қилиш, ички ишлар органларининг таянч пунктларини бошқаришни такомиллаштириш масалаларига илмий ёндашув кучайди. Қишлоқ хўжалиги устидан давлат бошқарувининг ҳуқуқий муаммолари, олий таълим тизимида кадрлар тайёрлашнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, миграция соҳасидаги давлат бошқарувининг ташкилий-ҳуқуқий асослари, «электрон ҳукумат» тизими ҳуқуқий асосларининг шаклланиши ва ривожланиши, солиқ назоратини амалга оширишнинг маъмурий-ҳуқуқий муаммолари, божхона соҳасида бошқарувнинг ташкилий-ҳуқуқий шакллари, ротация институти, давлат органларининг истеъмол кооперативлари билан ўзаро муносабатлари, паспорт тизими, маъмурий тартиб-таомилларнинг ҳуқуқий асослари (қиёсий-ҳуқуқий таҳлил), лицензиялаштириш тизими, давлат органларининг юридик ва жисмоний шахс мурожаатлари билан ишлашнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини

такомиллаштириш борасида тадқиқотлар қилинди.

Иккинчи босқичда ҳам маҳаллий давлат ҳокимияти органларига оид тадқиқотлар кучайди. Вилоят, туман ва шаҳар ҳокимларининг ҳуқуқий мақоми, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, маҳаллий вакиллик органларининг ташкил топиши ва ривожланиши, ҳокимиятлардаги комиссияларнинг ҳуқуқий мақоми, маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятида сиёсий партиялар иштирокини такомиллаштиришнинг ташкилий-ҳуқуқий масалалари, халқ депутатлари кенгашларининг доимий комиссиялари, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг назарий-ҳуқуқий асослари бўйича диссертациялар ҳимоя қилинди.

Тадқиқотчилар давлат размлари, давлат тилининг

ҳуқуқий мақоми, суд ҳокимиятининг шаклланиши ва ривожланиши, маъмурий адлияни ривожлантириш, юридик хизматнинг назарий-ҳуқуқий муаммолари, давлат функцияси, давлатнинг хавфсизликни таъминлаш ва мудофаа бўйича функцияси, давлатнинг экологик функцияси, давлатнинг молиявий фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш каби мавзуларда илмий чиқишлар қилди.

Биринчи босқичда фуқаролик жамияти институтларига деярли эътибор берилмаган эди. Иккинчи босқичда фуқаролик жамияти йўналишидаги тадқиқотлар сезиларли равишда кўпайди. Фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг ҳуқуқий муаммолари, бундай жамиятни шакллантиришда жамоат ташкилотларининг роли, ўзини ўзи бошқариш органларининг ижтимоий ҳимояси, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш институтининг конституциявий (ҳуқуқий) асосларини такомиллаштириш муаммолари устувор аҳамият касб этди. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг айрим

вазифа ва валолатларини ўзини ўзи бошқариш органларига бериш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва фуқаролик жамияти институтларининг ўзаро ҳамкорлигини такомиллаштириш, фуқаролик жамиятини шакллантиришда оммавий ахборот воситаларининг роли, ННТларнинг жамоат бирлашмалари тизимидаги роли, ижро ҳокимияти устидан жамоатчилик назорати каби мавзуларда тадқиқотлар амалга оширилди.

Давлат ҳуқуқи тарихи бўйича либерализм сиёсий-ҳуқуқий ғояларининг эволюцияси, Шарқ ренессанси даврида сиёсий-ҳуқуқий таълимотлар, Марказий Осиёда халқаро ҳуқуқ институтларининг вужудга келиши ва ривожланиши, исломий оила ҳуқуқи: пайдо бўлиши, ривожланиши, манбалари ва институтлари, XX асрнинг биринчи чорагида Туркистон сиёсий партиялари дастурларида давлат ва ҳуқуқ масалалари мавзуларида илмий изланишлар олиб борилди. Амир Темур давлатининг шаклланиши ва давлат тузуми, Темур тузукларида давлат ва ҳуқуқ масалалари, Бобурнинг сиёсий-ҳуқуқий қарашлари, Абдурауф Фитратнинг сиёсий-ҳуқуқий қарашлари, Форобийнинг давлат ва уни бошқариш ҳақидаги қарашлари, Хоразмшоҳлар давлатининг ташкил топиши, давлат ва ҳуқуқ тизими, Низомулмулкнинг сиёсий-ҳуқуқий қарашлари, Туркистон ўлкасининг ҳуқуқ манбалари, фуқаролик жамияти ҳақидаги сиёсий-ҳуқуқий қарашларнинг эволюцияси, Ўрта Осиёда хонликлар даври давлат тузуми ва



хуқуқий манбаларига доир диссертациялар ёқланди.

Иккинчи босқичда солиқ хуқуқига оид тадқиқотлар бир-мунча шакланди. Норезидент юридик шахсларга солиқ солишнинг хуқуқий асосларини такомиллаштириш, солиқ маъмуриятчилиги ташкилий-хуқуқий асосларини такомиллаштириш, солиқ қонунчилигини бузганлик учун юридик жавобгарлик мавзуларида диссертациялар ҳимоя қилинди.

Иккинчи босқичда **хуқуқий онг ва маданиятга оид тадқиқотлар кўпайди.** Хуқуқий маданият ва фуқаролик жамиятини шакллантириш муаммолари, судьяларнинг

касбий хуқуқий онги, ички ишлар идоралари ходимларида инсон хуқуқлари маданиятини юксалтириш, ёшларнинг хуқуқий ва сиёсий маданиятини юксалтириш масалалари, хуқуқбузарликларнинг олдини олишда хуқуқий тарбиянинг роли, хуқуқий хулқ-атвори, хуқуқий мафқурани шакллантириш муаммолари, хуқуқий таълимнинг шахс хуқуқий онгини шакллантиришдаги роли, судьяларнинг касбий-малакавий хуқуқий онги, ахлоқ ва хуқуқнинг ўзаро таъсири каби мавзуларда диссертациялар ҳимоя қилинди.

Мазкур босқичда сайлов муносабатларига алоҳида эътибор

қаратилди. Сайлов жараёнининг ташкилий-хуқуқий масалалари, демократик ислохотларни чуқурлаштириш шароитида сайлов қонунчилигини такомиллаштириш, сайлов комиссиялари фаолиятининг ташкилий-хуқуқий асосларини такомиллаштириш каби мавзуларда номзодлик, фалсафа доктори даражасида тадқиқотлар ўтказилди.

Мустақиллик йилларида Германия, Туркия, Вьетнам, Хитой, Афғонистон, Иордания, Миср, Қирғизистон каби давлатларнинг конституциявий-хуқуқий доктори даражасида давлат-хуқуқий масалалари бўйича ҳам бир қатор тадқиқотлар амалга оширилди.

II

Давлат-хуқуқий тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, мамлакатимизда маъмурий хуқуқ, молия хуқуқи, солиқ хуқуқи, божхона хуқуқи соҳасида монографик тадқиқотлар деярли ривожланмаяпти.

Давлат ва хуқуқ назариясининг предмети ва методлари, методологик асослари, давлат ва хуқуқнинг онтологияси ва гносеологияси, назарий юриспруденция ва юридик амалиёт, қиёсий давлатшунослик, хуқуқ генезиси, хуқуқнинг вужудга келиши, одат хуқуқлари, хуқуқнинг моҳияти, ижтимоий роли ва функциялари сингари яхлит илмий ишлар деярли қилинмади. Булар сирасига хуқуқ принциплари, хуқуқнинг бошқа ижтимоий нормалар билан ўзаро алоқаси, хуқуқий тизимлар, хуқуқий оилалар, хуқуқ манбалари, хуқуқнинг тизими ва тузилиши, хуқуқ соҳалари, институтлари, нормалари, хуқуқ ва хуқуқий тартибга солиш, хуқуқий таъсир кўрсатиш,

хуқуқий тартибга солиш механизмлари, хуқуқий муносабатлар, хуқуқий мақом, юридик фактлар, хуқуқни амалга ошириш ва қўллаш, қонунийлик ва хуқуқ-тартибот, хуқуқбузарлик, юридик жавобгарлик, хуқуқий психология, хуқуқнинг ривожланиш тенденциялари, жамиятнинг сиёсий тизимида давлат, шахс ва давлат, жамият ва шахс, давлат аппарати, давлат механизми, давлат органлари, ижтимоий давлат кабиларни киритиш мумкин.

Шунингдек конституциявий хуқуқ соҳасида Асосий қонун (конституция) назарияси, конституциявий хуқуқда инсон хуқуқи ва эркинликлари назарияси, ижтимоий муносабатларни конституциявий хуқуқий тар-

тибга солиш шакллари ва методлари, конституциявий кафолатлар, конституциявий қонунчилик ва унинг қонунчилик тизимидаги ўрни, конституциявий хуқуқнинг бошқа хуқуқ соҳалари билан ўзаро таъсири, хорижий мамлакатлар конституциявий қонунчилиги, сайлов тизимлари, конституциявий назорат органлари, Марказий банк, Ҳисоб палатасининг хуқуқий мақоми, конституциявий жавобгарлик каби мавзуларда ҳам тадқиқотлар амалга оширилмади.

Маъмурий ва молия хуқуқи фанларида кўплаб долзарб мавзулар ҳали монографик ўрганилмаган. Мисол учун маъмурий хуқуқ субъектларининг хуқуқий мақоми, бошқарув

соҳасида муносабатларни маъмурий-ҳуқуқий тартибга солиш шакллари, маъмурий жараён, қиёсий маъмурий ҳуқуқшунослик, молиявий назорат, бюджет ҳуқуқи, бюджет жараёни, давлат даромадларини ҳуқуқий тартибга солиш (солиқ, давлат кредити, суғурта), солиқ ҳуқуқи, давлат кафолатлари, банк ҳуқуқи, қимматбаҳо қоғозлар қонунчилиги ва ҳоказо.

Шунингдек, Конституциямиз норма ва принциплари ҳаётимизда янада самарали натижаларга олиб келиши учун, фикримизча, қатор ишларни қилишимиз зарур.

Қайд этиш жоиз, Ўзбекистон конституциясининг салоҳияти ва имкониятларини ўрганишда ҳуқуқшунос олимлар, тадқиқотчилар олдида ҳали жуда кўп ишлар турибди.

Мустақиллик йилларида ҳуқуқ соҳасида кўплаб тадқиқотлар амалга оширилган бўлса-да, бевосита Асосий қонунимизга бағишланган салоҳиятли тадқиқотлар бармоқ билан санарли. Халқимиз, қонун ижодкорлари, ҳуқуқни қўлловчилар олимлардан конституциямизда белгиланган тушунчаларни ҳаётимизга татбиқ этишнинг самарали ҳуқуқий воситалари ишлаб чиқилишини кутмоқда.

Шунингдек, қонун ҳужжатларини экспертизадан ўтказишда умумий, конституцияга зид эмасми, деган саволдан конституцияда кўрсатилган ҳуқуқ ва эркинликларни таъминлашга хизмат қиладими ёки уларни қўллашга билвосита чегаралар ўрнатмаяптими,

деган мезонга ўтиш, дунёнинг кўплаб давлатларида қўлландиган, қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг конституциядаги, БМТ томонидан бу соҳада қабул қилинган, мамлакатимиз иштирокчиси бўлган олтита асосий халқаро шартномадаги инсон ҳуқуқларига мослигини ўрганадиган ҳамда ўз хулосаларини тақдим этадиган парламент ва жамоатчилик назорати институтларини яратишимиз, қўллаб-қувватлашимиз даркор.

Бизда моддий харажатлар талаб қиладиган қонун лойиҳасини Молия вазирлигига келишув учун мажбурий тартибда юбориш қонунан белгилаб қўйилган. Шу маънода инсон ҳуқуқларига дахл қиладиган қонун лойиҳаларини мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларга мажбурий тартибда юбориш тартибини қонунчилигимизга киритишимиз зарур.

Давлат ҳуқуқий тадқиқотларда ҳозирги ривожланган демократик давлатлар ўз тараққиётига асос қилиб олган демократия, инсон ҳуқуқлари, ҳуқуқ устуворлиги, уларнинг мезонлари, амалга ошириш механизмлари, институтлари, ҳуқуқий асослари, индикаторлари, бажарилиши мониторингига алоҳида эътибор қаратилиши лозим.

Эътибор берилса, мамлакатимизда амалга оширилаётган давлат-ҳуқуқий йўналишдаги тадқиқотлар асосан давлат ҳокимияти, қонунчилик жараёни, давлатнинг, унинг органларининг, жамоат ташкилотлари, фуқароларнинг

ўзини бошқариш ва бошқа органларнинг у ёки бу фаолияти билан чегараланиб қолмоқда. Инсон ҳуқуқлари бўйича таҳлил қиладиган бўлсак, агар конституциямизда 50 дан ортиқ ҳуқуқ назарда тутилган бўлса мустақиллик йилларида фақатгина 4 та бевосита ҳуқуққа диссертациялар (А. Юнусова 1995 йилда виждон эркинлиги бўйича, У. Тожиёв 2002 йилда сўз эркинлиги ҳуқуқи бўйича, Х. Маматов фуқароларнинг ахборотга бўлган ҳуқуқлари бўйича 2009 йилда, Ш. Асадов 2010 йилда билим олиш ҳуқуқи бўйича) бағишланган. Не дейсизки, улар ҳам номзодлик диссертациялари. Афсуски, мамлакатимиз конституциясида кўрсатилган асосий ҳуқуқ ва эркинликлар бўйича мазкур ҳали тўла тадқиқ этилмаганлиги важдан ўз тадқиқотчисини кутиб турибди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, давлат ҳуқуқ ва сиёсий-ҳуқуқий таълимот соҳасида фундаментал ва амалий тадқиқотларни амалга ошириш, концептуал масалаларни, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг замонавий муаммоларини, миллий ва хорижий давлат-ҳуқуқий муаммоларини қиёсий ўрганиш, маъмурий ва суд-ҳуқуқ ислохотларининг концептуал муаммоларини тизимлилик, изчиллик, яхлитлик, узвийлик асосида ўрганиш бўйича 2030 йилгача мўлжалланган чора-тадбирлар дастурини қабул қилиш таклиф этилади.

Мирвал Миракүлов,

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий-техник институти бошлигининг биринчи ўринбосари, юридик фанлар доктори, профессор



Беморлар ҳуқуқи ҳимояси: хориж тажрибаси

Аксарият ривожланган мамлакатларда тиббий хизмат кўрсатиш муносабатлари иштирокчиларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизими учта асосий элементдан ташкил топган. Булар:

1

Беморлар ва тиббий хизматдан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилувчи, ўз фаолиятини маҳаллий давлат ҳокимиятидан мустақил тарзда олиб борувчи махсус ваколатли хизматлар.

Мазкур соҳада охиригى ўн йилликда олиб борилаётган ишларнинг ўзига хос хусусияти миллий ва миллатлараро қарорларни қабул қилишда жамоат бирлашмалари орқали «партиципатив демократия» ғояларининг кенг миқёсда жалб қилинишидир.

Беморлар ҳамда тиббий хизматлардан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизими норматив-ҳуқуқий тартибга солиш (хар-

2

Даволаш муассасалари қошида ва (ёки) алоҳида профессионал бирлашмалар шаклида шифокорлар ва тиббиёт ходимларининг хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан тушган шикоятлар юзасидан суриштирув ва этика комиссиялари.

тиялар, махсус қонунлар, маъмурий регламентлар, хизмат кўрсатишга доир шартномалар ва бошқалар), махсус органлар ва мансабдор шахслар (суриштирувни амалга оширувчи, келиштирувчи ва этика комиссиялари, омбудсманлар), низоларни ҳал қилишнинг муқобил усулларидан таркиб топади.

Қонун билан тартибга солиш механизмларининг ўзига хослигидан қатъи назар, барқарор-



3

Буюк Британия тажрибаси

Тиббий хизматларнинг сифати юзасидан мониторинг олиб борувчи коллегиал органлар.

Буюк Британияда беморлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизими соҳанинг у ёки бу жабҳаларини назорат қилувчи давлат ва нодавлат ташкилотларидан ташкил топган.

Махсус давлат органи Беморлар хавфсизлиги давлат агентлиги (*The National Patient Safety Agency, NPSA*) бўлиб, унинг вазифаси соғлиқни сақлаш соҳасида фаолият кўрсатувчи жисмоний ва юридик шахсларни қўллаб-қувватлаш, уларни зарурий ахборот билан таъминлаш, фаолиятини мувофиқлаштиришдан иборат.

Агентлик уч таркибий қисмдан:

1. Беморлар ва тиббий хизматдан фойдаланувчиларнинг хавфсизлигини таъминлаш ҳамда улар учун хавф-хатарларни камайтириш мақсадида фаолият юритадиган «Ахборот йиғиш ва алмашиш хизмати» (*National Reporting and Learning Service*);

2. Шифокорлар фаолиятига беморлар ва тиббий хизматлардан фойдаланувчилар соғлиғига тўғдириладиган хавф-хатар нуқтаи назаридан баҳо бериш ва тушунмовчиликларни ҳал қилиш билан шуғулланадиган «Клиник баҳо бериш хизмати» (*National Clinical Assessment Service*);

лиги жиҳатидан (узоқ вақт давомида энг яхши самара берган, яъни ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмаган, бунга эҳтиёж ҳам туғилмаган) беморлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг Буюк Британия, Янги Зеландия, Австралия, АҚШ, Франция ва Исроилда жорий қилинган тизимлари энг самарали ҳисобланади.



3. Тиббиёт соҳасидаги тадқиқотларда иштирок этувчи шахсларнинг хавфсизлиги, ҳуқуқлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш билан шуғулланадиган «Илмий изланишларни амалга оширишда этика қоидаларига риоя этиш хизмати» (*National Research Ethics Service*)дан ташкил топган.

Бундан ташқари, 2003 йилдан буён Британияда даволаш ва кўрсатилган тиббий хизматлардан норози бўлган шахсларга шикоят қилишда кўмаклашувчи «Беморлар ҳуқуқи ва манфаатларини ҳимоя қилиш мустақил хизмати» (*The Independent Complaints Advocacy Service, ICAS*) фаолият юритади.

Беморлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимининг яна бир субъекти тиббий хизматларнинг сифати ва хавфсизлиги устидан назорат олиб борувчи «Тиббий хизмат сифати комиссияси» (*Care Quality Commission*)дир.



Care Quality Commission

Ўз фаолиятини давлат грантлари ҳамда хайрия маблағлари ҳисобига амалга оширувчи мазкур комиссия кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифати ҳамда уларнинг (хизматларнинг) стандартлар ва беморлар хавфсизлиги талабларига жавоб беришини тартибга солувчи мустақил органдир.

Шифокорлар хатолари ва кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифати юзасидан шикоятлар билан ишлаш тизимида, шунингдек «Соғлиқни сақлаш масалалари бўйича омбудсман» (*Health*

Service Ombudsman) ва «Соғлиқ масалалари бўйича парламент омбудсмани» (*Parliamentary Ombudsman*) хизматлари мавжуд.

«Соғлиқни сақлаш масалалари бўйича омбудсман» тиббиёт муассасалари ва ходимларининг нотўғри, адолатсиз ҳаракатлари ҳамда кўрсатилган тиббиёт хизматларнинг сифати юзасидан шикоятлар келиб тушганда мустақил текиширув (суриштирув) ўтказади.

«Соғлиқни сақлаш масалалари бўйича омбудсман» хизматининг Англия, Шотландия ва Уэлсда жойлашган учта худудий бўлими бўлиб, уларда соҳага ихтисослашган юристлар ва малакали шифокорлар фаолият юритади. Улар шикоятлар юзасидан юридик суруштирув ва тиббий экспертизани амалга оширадилар. Махсус билimler талаб этиладиган масалаларда мутахассислар жалб қилиниши мумкин.

Мазкур хизматнинг асосий вазифаси келиб тушган шикоятларни умумлаштириб, ҳуқумат ҳамда парламентга уларда акс этган муаммолар бўйича амалга оширилиши зарур бўлган чора-тадбирлар юзасидан таклифлар киритишдан иборат.

«Соғлиқни сақлаш масалалари бўйича омбудсман»дан фарқли равишда «Парламент омбудсмани» давлат ташкилот ва муассасаларининг нотўғри, адолатсиз ҳаракатлари ҳамда улар кўрсатаётган хизматлар юзасидан шикоятларни кўриб чиқади. Давлатга тегишли тиббиёт муассасалари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш ҳамда жамоатчиликни соғлиқни сақлаш масалалари юзасидан хабардор этишга хизмат қилади.


1974 йилдан бошлаб Буюк Британияда беморлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жамоатчилик назорати «Соғлиқни сақлаш масалалари бўйича жамоат кенгаш»лари (*Community Health Councils*) томонидан амалга оширилган. Ҳозир эса бу билан «Маҳаллий иштирок этиш тармоқлари» (*Local Involvement Networks, LINKs*) шуғулланади.



«Маҳаллий иштирок этиш тармоқлари»нинг вазифалари
қуйидагилардан иборат:

1. Беморлар ва тиббий хизматдан фойдаланувчиларнинг соғлиқни сақлаш соҳасида кўрсатилаётган хизматлар, амалга оширилаётган ишларга оид фикрини ўрганиб бориш ва умумлаштириш;
2. Соҳадаги муаммоларни аниқлаш ва ҳал қилиш;
3. Тегишли хизматларни жавобгарликка тортиш.

«Маҳаллий иштирок этиш тармоқлари» маҳаллий давлат ҳокимияти органлари маблағи ҳисобига фаолият юритади, бироқ унинг ишида барча хоҳловчилар (фаоллар, мутахассислар, жамоат бирлашмалари ва манфаатдор гуруҳлар вакиллари) иштирок этиши мумкин.



«Беморлар иштироки миллий ассоциацияси» (*National Association for Patient Participation*) ҳам беморлар ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи ташкилотлардан бири бўлиб, унинг мақсади жамият манфаатлари йўлида соғлиқни сақлаш ва бирламчи тиббий ёрдамнинг сифатини имкон қадар юксалтиришда беморларнинг иштирокини таъминлашдан иборат.

Буюк Британияда шифокорларнинг хатоларини аниқлаш ва назорат қилиш соҳасида ҳам талайгина тажриба орттирилган ва бунда 1982 йилда ташкил этилган «Шифокорлар хатоларидан зарар кўрганлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича жамоат ҳаракати» (*Action against of Medical Accidents (AvMA)*) алоҳида ўрин тутди.

Мақкур ташкилот фикрича, соҳадаги асосий муаммо – беморларга тиббий хизмат кўрсатишда шифокорларнинг хатоларига доир тўлиқ ва кенг қўламли маълумотнинг мавжуд эмаслигида. Шунингдек, ўтказилган тадқиқотлар, конференциялар, юборилган сўровлар ва бошқаларга қарамай, шифокорлар хатолари ҳақида ишонарли статистик маълумотлар мавжуд эмас.

Ҳаракат фаолларининг таъкидлашича, мавжуд тиббий ёрдам хизматининг иш қўламининг кўплиги ва соҳанинг етарлича молиялаштирилмаслиги шифокорлар хатоларини келтириб чиқариши тайинлиги ҳақидаги позицияси асоссиз. Бу ёндашув иш жараёнида йўл қўйилган хато ва камчиликларни яширишга олиб келади.

Ҳаракатнинг фаоллиги сабаб 1996 йилда беморлар ҳуқуқларини муҳофаза қилишда суд ҳимоясининг таъминланганлиги ва самарадорлиги масаласи парламент томонидан махсус кўриб чиқилган. Бунинг натижасида соғлиқни сақлаш ҳамда суд тизимига доир қонунчиликка беморлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ қўшимча ва ўзгартиришлар киритилган. Тиббий ҳодимларининг касбий тайёргарлик курсларига юридик йўналишдаги фанларнинг киритилиши, шифокорлар хатоларини судгача кўриб чиқиш тартиб-таомиллари, низоларни ҳал қилишнинг муқобил усуллари ишлаб чиқиш, тиббиёт соҳаси билан боғлиқ ишларни судда кўриш билан шуғулланадиган адвокатларни тайёрлаш шулар жумласидандир.

Суд ишларини юритишнинг янги қонун-қоидалари 1999 йилда кучга кирган. Жамоат ҳаракати 2009 йилдан буён «беморларнинг тиббиёт ходимларининг айбсиз ҳаракатлари натижасида етказилган зарарларни қоплаш»га бўлган ҳуқуқларини рўёбга чиқариш билан шуғулланмоқда.



Франция тажрибаси

Францияда ҳам беморлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг самарали тизими жорий этилган. Ушбу тизим бир қанча йўналишларни ўз ичига олади. Энг муҳим йўналишлардан бири беморларга етказилган зарарни қоплаш мақсадида тиббиёт ходимларининг фаолиятини мажбурий суғурталашдир.

«Беморлар ҳуқуқлари тўғрисида»ги қонунда суғурта пулларида беморларга тиббий хизматларни кўрсатишда юзага келган бахтсиз ҳодиса, ятроген касалликлар, шифохонада инфекция юктириб олиш натижасида етказилган зарарларни қоплаш белгиланган.

2005 йил давомида Францияда суғурта пуллари ҳисобидан пул ундириш масалаларида 367 та қарор қабул қилинган бўлиб, ҳар бир ҳолатда тўлаб берилган пулнинг ўртача миқдори 170,3 еврони ташкил этган. Низоларни судгача ҳал қилиш тартибида 11 662 та талабнома кўриб чиқилган.

Беморга зарар етказишда тиббиёт ходимининг шахсий жавобгарлиги мавжуд бўлмаса ёки буни аниқлашнинг имкони бўлмаса Франция фуқароси «Зарарларни қоплаш миллий хизмати» (*Office national d'indemnisation des accidents médicaux*), «Тиббиёт соҳасидаги бахтсиз ҳодисалар миллий комиссияси» ёки «Худудий келиштирувчи комиссия»га мурожаат қилиши мумкин.



Франция Соғлиқни сақлаш вазирлиги қошидаги «Зарарларни қоплаш миллий хизмати» давлат муассасаси бўлиб, зарар етказган шахсни (тиббиёт ходимини) аниқлашнинг имкони бўлмаганда, етказилган зарарнинг 24 фоизини (айбсиз зарар) қоплаб беради. 2008 йилда бу муассаса Франция фуқароларига 80 млн. евро миқдоридagi зарарларни қоплаб берган.

«Тиббиёт соҳасидаги бахтсиз ҳодисалар миллий комиссияси» (*La Commission nationale des*

accidents médicaux, CNAMed) Адлия ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли бўлиб, тиббиёт соҳасидаги бахтсиз ҳодисалар юзасидан экспертизалар ўтказиш, экспертлар реестрини шакллантириш ҳамда ҳуқуқат учун бахтсиз ҳодисалар соғлиқни, келиб чиқиш сабаблари, бартараф этиш йўллари ва бошқалар ҳақида маълумотлар тайёрлайди.

Тиббиёт соҳасидаги бахтсиз ҳодисалар, ятроген касалликлар ва шифохона ичида инфекцияларни юктириб олишдан зарар кўрганларнинг «Худудий келиштирувчи комиссия»лари (*Les commissions regionales de conciliation et d'indemnisation des accidents médicaux, des affections iatrogenes et des infections nosocomiales, CRCI*) тиббиёт ходимлари (муассасалари) билан беморлар ўртасидаги низоларни судгача ҳал этишга хизмат қилади.


Шунингдек, беморлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда фаол тарзда фойдаланиладиган ташкилотлардан яна бири тиббиёт ходимларининг ассоциацияларидир.

Тиббиёт ходимларининг профессионал ассоциациялари дисциплинар палаталар ташкил қиладилар ва беморлар бу палаталарга ўзларига кўрсатилган хизматларнинг сифати юзасидан шикоят қилишлари мумкин.

Шикоят худудий, худудлараро ва миллий дисциплинар палатага берилиши мумкин ва шикоят тиббиёт соҳаси мутахассислари томонидан ўрганиб чиқилади.

Ҳар бир соғлиқни сақлаш муассасасида беморлар билан муносабатларни тартибга солиш ва кўрсатилаётган хизматлар сифатини назорат қилиш комиссиялари (*des commissions des relations avec les usagers et la qualité de la prise en charge, CRUQPC*) ташкил этилган. Уларнинг вазифасига беморлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишни назорат қилиш, беморлар ва уларнинг яқин қариндошларига маслаҳатлар бериш, талабномаларни кўриб чиқиш ҳамда тиббиёт муассасаси кузатув кенгашига жорий ҳолатни яхшилаш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш киради.

Тизимнинг яна бир таркибий қисми Франция соғлиқни сақлаш кодексининг L1411-3 моддасига кўра, соғлиқни сақлаш худудий кенгашлари (*Les conseils régionaux de santé, CRS*)дир. Унинг вазифаси беморлар ҳуқуқларининг амалга оширилиши ва амалга ошириш шароитларини ўрганишдан иборат.



Яна бир таркибий қисм 1983 йилдан бери фаолият юритиб келаётган «Ҳаёт ва соғлиқ ҳақидаги билимларга доир этика миллий қўмитаси» дир.

Этика миллий қўмитасининг вазифаси шифокорлар ва тиббиёт ходимларининг беморлар, ўз ҳамкасблари ва умуман ижтимоий муносабатларда этика нормаларига риоя этишини назорат қилишдир.

Беморлар ва тиббий хизматлардан фойдаланувчиларнинг тиббиёт соҳасини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқлари жамоат бирлашмалари фаолиятида иштирок этиши орқали таъминланади.

2003 йилда «Беморлар вакиллари ассоциацияларининг миллий иттифоқи» (L'Union nationale des associations de représentation des malades) ташкил этилган бўлиб, жамоат бирлашмалари унда иштирок этиш учун ўзларининг давлат органлари томонидан расмий тан олингани, молиявий жиҳатдан фармацевтика компаниялари ва тиббиёт ходимларининг профессионал ассоциациялари таъсирида эмаслигини исботлашлари лозим.

Исроил тажрибаси

Исроил Соғлиқни сақлаш вазирлиги қошида фуқароларнинг давлатга қарашли соғлиқни сақлаш муассасаси ходимларига нисбатан эътирозларини кўриб чиқиш махсус бюроси фаолият юритади. Шунингдек «Беморлар ҳуқуқлари тўғрисида»ги қонунга кўра, ҳар бир даволаш муассасасида 3 та комиссия ташкил этилади ва булар:

1. Текширувчи – беморлар ва уларнинг қариндошларидан тушган шикоятлар билан ишлайди;
2. Сифатни назорат қилиш бўйича (мазкур комиссиянинг хулосалари конфиденциал характерга эга, бироқ беморнинг тиббий ҳужжатларида акс эттирилади);
3. Этика комиссияси (ушбу комиссия юрист, психолог, дин ёки жамоат арбоби ва шифокорлардан иборат).

Бундан ташқари ҳар бир соғлиқни сақлаш муассасасида беморлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича масъул шахс тайинланиши қонун билан белгилаб қўйилган. Масъул шахс беморларга ўз ҳуқуқларини амалга оширишда кўмаклашади, муассаса ходимларига ҳуқуқий маслаҳатлар беради.





Бошқа ривожлаган давлатлар тажрибаси

Данияда беморларнинг шикоятлари Соғлиқни сақлаш миллий кенгаши томонидан кўриб чиқилади.

Швецияда соғлиқни сақлаш соҳасида «Ишонч кўмитаси» фаолият кўрсатади ва у беморлар билан соғлиқни сақлаш соҳаси ходимлари ўртасида низоларни ҳал қилишга ва мулоқот ўрнатишга хизмат қилади.



Ҳозир иқтисодий жиҳатдан ривожланган **Швеция, Финландия, Янги Зеландия, Австралия** каби давлатларда «Ихтиёрий ижтимоий суғурта» тизими жорий қилинмоқда. Унга кўра, беморга етказилган зарар учун компенсация олишда зарар етказувчининг айбини исботлаш талаб этилмайди.

Бундай суғурта турининг мавжудлиги, бошқа ҳимоя восита ва усуллари билан бирга, нафақат беморлар ҳуқуқларининг тўлақонли ҳимоя қилинишига, балки шундай турдаги қонунбузилиш ҳолатларининг профилактикасига ҳам хизмат қилади.

Ушбу тамойилнинг жорий қилиниши беморлар ҳамда тиббиёт ходимларининг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ягона давлат сиёсатини шакллантиришга ёрдам беради.

Беморлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизими тиббиёт ходимлари учун жиноий жавобгарлик

чораларини назарда тутиш орқали ҳам шакллантирилади.

Масалан, **Австрияда** шифокор бемор саломатлигига зарар етказгани учун, агар етказилган



зарар натижасида бемор 14 ва undan ортиқ кун меҳнатга лаёқатсиз ҳолатда бўлган бўлса, жиноий жавобгарликка тортилади.

Португалия жиноят кодексининг 184-моддасида «тиббий маълумотнинг конфиденциаллиги ва ушбу маълумотни тарқатганлик учун» жиноий жавобгарлик назарда тутилган.

Грецияда бемор соғлиғига зарар етказган шифокор 15 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазосига тортилиши мумкин.



ΥΠΟΥΡΓΕΙΟ ΥΓΕΙΑΣ
&
ΚΟΙΝΩΝΙΚΗΣ ΑΛΛΗΛΕΓΥΝΗΣ

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексиди ҳам, жумладан кодекснинг 114, 116-моддаларида тиббиёт ходимларининг жавобгарлик чоралари назарда тутилган.



Таклифлар

Баён қилинганларга кўра, беморлар ҳамда тиббий хизматлардан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг янада самарали механизмини жорий этиш мақсадида «Тиббий хизмат кўрсатиш муносабатлари иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунни қабул қилиш таклиф этилади.

Ушбу қонун билан қуйидагиларни тартибга солиш мақсадга мувофиқ:

1. Шифокорликка номзодларга қўйиладиган талабларни яхлит ҳолатга келтириш;

2. Шифокорларни тайинлаш ва уларни лавозимидан озод этиш тартибини белгилаш;

3. Тиббий хизмат кўрсатиш муносабатлари иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқ белгилаб қўйиш;

4. Шифокор ва тиббий муолажаларни ўтказишда иштирок этадиган тиббиёт ходимларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш тизимини жорий этиш;

5. Беморлар ва тиббий хизматдан фойдаланувчиларнинг тиббий маълумотлар базасини яратиши ва унда касаллик тарихи, қўйилган ташхис, беморнинг ҳолати, берилган тиббий тавсиялар, буюрилган дорилар каби маълумотларни киритиш мажбурийлигини белгилаш;

6. Соғлиқни сақлаш вазирлигидан мустақил фаолиятни олиб борадиган «Тиббий хизмат кўрсатиш муносабатлари иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш агентлиги» ва унинг вилоятлардаги бўлимларини ташкил этиш;

7. Агентликка ҳар бир шикоят юзасидан, мулкчилик шаклидан қатъи назар ҳар қандай даволаш муассасасидан барча маълумотлар ва ҳужжатлар, шунингдек масъул ва бошқа ходимлардан тушунтиришлар олиш, шу жумладан мутахассисларни жалб қилган ҳолда хизмат текширувлари ва суриштирувларини ўтказиш ваколатларини бериш;

8. Агентлик ҳузурида беморлар ва тиббий хизматлардан фойдаланувчилар билан тиббиёт

муассасалари ўртасида кўрсатилган хизмат сифати ва унинг салбий оқибатлари бўйича низо юзага келганда ҳолатга ҳолис баҳо берувчи мустақил экспертиза марказини ташкил этиш;

9. Ҳар бир тиббиёт муассасасида беморлар ва тиббий хизматлардан фойдаланувчиларнинг шикоятлари билан шуғулланадиган ҳамда уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини амалга оширишга кўмаклашадиган маслаҳатчи шифокор лавозимларини жорий этиш (тайинлаш). Беморлар ва тиббий хизматдан фойдаланувчилар томонидан ушбу шахсларга мурожаат қилинганда шикоятнинг иккинчи нусхасини мажбурий тарзда агентликнинг ҳудудий бўлимига юбориш тизимини жорий қилиш;

10. Агентликнинг чорак якунлари бўйича ҳар бир шифокор хатоси ва шикоятларнинг умумлашмалари ҳақида Олий Мажлисга, ҳудудий бўлимларининг эса халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар кенгашларига ҳисобот бериш тизимини жорий этиш;

11. Беморлар ва тиббий хизматдан фойдаланувчилар хусусий тиббиёт муассасаларига мурожаат қилганда мажбурий тарзда, адвокатура тизимида бўлгани каби, ушбу муассасалар томонидан ордер берилиши тизимини жорий этиш;

12. Олий ва ўрта махсус тиббий ўқув муассасаларида шифокор, бемор ва тиббий хизматлардан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқларини тартибга солишга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида тайёрланган махсус курслар ўқитилишини таъминлаш.

Адлия органларига беморлар ва тиббиёт хизматларидан фойдаланувчиларга давлат тиббиёт муассасалари ходимларининг хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоятларни тайёрлашда ёрдам бериш, шу жумладан, судларга даъво аризаларини киритишда кўмаклашиш вазифаларини юклашни назарда тутиш лозим.

Рамзбек ҚУРБОНОВ,

Адлия вазирлиги ҳузуридаги Ҳуқуқий сиёсат тадқиқот институти масъул ходими

Мақсад – прокуратура ходимлари

салоҳиятини янада юксалтиришдир



2018 йил 8 май куни Ўзбекистон Президентининг «Прокуратура органлари кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони қабул қилиниб, унинг асосида Бош прокуратура академияси ташкил этилди.

Қисқа вақт ичида академияда замонавий талабларга мос, прокуратура органлари олдига қўйилган вазифаларни бажара оладиган кадрларни тайёрлашга киришилди.

Академия ташкил топганидан сўнг академик таълим ва амалиёт ўртасидаги бўшлиқларни тўлдириш, прокуратура органларини зарур кўникмаларга эга бўлган кадрлар билан таъминлаш имконини берадиган номзодларни касбий қайта тайёрлашнинг мутлақо янги модели яратилди.

Ўқитишнинг эски, сийқаси чиққан шакл ва усуллари тубдан қайта кўриб чиқилиб, фан, таълим ва амалиёт уйғунлигига асосланган илғор инновацион технологиялари жорий этилди.

Прокуратура органларида раҳбарлик лавозимларини эгаллаш учун захирада турган кадрларни касбий қайта тайёрлаш модели ҳам қайта кўриб чиқилиб, босқичма-босқич замонавийлаштирилди.

Биринчи марта прокуратура органларининг ҳар бир ходими уч йилда камида бир марта ўқиши шартлигини белгиловчи тартиб ўрнатилди. Икки йил давомида академияда 10 мингдан ортиқ тингловчи таълим олди.

Академия томонидан ўқув режа ва дастурларини тузишда Бош прокуратура тармоқлари ва қуйи прокуратуралар билан алоқа механизмларидан фойдаланишнинг мажбурийлиги белгилаб қўйилди.

Мунтазам равишда сўровлар ўтказилиб, ўқув жараёнини ташкил этишда фойдаланиладиган, ўзгариб боровчи ўқув эҳтиёжлари ўрганиб борилаяпти, бу эса назария ва амалиётнинг муштараклигини таъминламоқда.

Ўқув дастурлари ҳам ўзаро алоқа материаллари таҳлили, хусусан, амалиётда тизимли тус олган камчиликларни амумлаштириш натижаларини ўзида акс эттирган.

Академиянинг олдига қўйилган асосий вазифалардан бири сифатида давлат органлари ва ташкилотлар ходимларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, жиноятчилик ва коррупцияга қарши курашиш ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилишнинг бошқа масалалари бўйича малакасини оширишнинг белгиланиши алоҳида аҳамиятга эга янгилик бўлди.

2019/2020-ўқув йилидан бошлаб академияда магистратура мутахассисликлари бўйича кадрлар тайёрлашга киришилди.

Шуни таъкидлаш жоизки, прокурорлик фаолияти ва тергов фаолияти мутахассисликлари билан бир қаторда республикада илк марта академия магистратураси негизида коррупцияга қарши курашиш йўналиши бўйича тор доирадаги мутахассислар тайёрлаш йўлга қўйилди.

Магистратурадаги ўқув жараёни кредит-модул тизими асосида ташкил этилиб, ўқитишнинг амалий хусусиятига ва прокуратура органларининг фаолияти билан узвий боғлиқлигига асосланади.

Академиянинг ўқув жараёнига амалиётга асосланган ва компетенциявий ёндашув жорий этилиб, фаолиятнинг барча соҳалари рақамлаштирилиши замонавий ахборот-таълим муҳитида инновацион узвийликка ўтиш ҳамда электрон (масофавий) таълим механизмларини тўлиқ жорий этиш имкониятини берди.

Академия мутахассислари ишлаб чиққан ва жорий этган бир қатор дастурлар учун Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлигидан муаллифлик гувоҳномалари олинди.




Академиянинг 15 мингта китоб фондига эга бўлган ахборот-ресурс маркази Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси, «EBSCO Publishing», «Elibrary» илмий электрон кутубхонаси, «Asian Journal of Comparative Law», «ProQuest» диссертация ва диплом ишлари базасига ўланган бўлиб, академияга «Scopus», «Mendeley», «ScienceDirect» ва «Springer Nature» ахборот платформалари ва ресурсларидан фойдаланиш имконияти берилган.

2018 йил ноябрь ойида академияда асосий иш жойидан ажралмаган ёки қисман ажралган ҳолда таълим олишга мўлжалланган «Proacademy» ахборот-таълим электрон портали ишга туширилиб, у орқали ўтган давр мобайнида 4717 нафар ходим ўқитилди.

Коронавирус инфекцияси туфайли карантин жорий этилиши натижасида академияда барча йўналишлар бўйича таълим дастурлари тўлиқ масофавий таълим режимига ўтказилди.

Академияда она тили инглиз тили бўлган хорижий мутахассислар жалб қилинган ҳолда тингловчиларга юридик инглиз тилини ўқитиш йўлга қўйилган.

2019 йилда академиянинг замонавий техник воситалар билан жиҳозланган янги биноси фойдаланишга топширилди. Махсус хоналар (полигонлар) суд жараёнларини моделлаштириш, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш ва бошқа амалий машғулотларни ҳақиқий шароит-



Академия қўшма илмий тадқиқотлар ўтказиш, норматив-ҳуқуқий, методик ва таҳлилий хусусиятга эга маълумотларни алмашиш, педагог, илмий ходим ва тингловчиларнинг стажировкаларини тизимли равишда ташкил этиш соҳаларида самарали халқаро ҳамкорликни амалга ошириб келмоқда. Ҳозирга қадар ўттиздан зиёд етакчи илмий ва таълим муассасалари билан мустаҳкам алоқа ўрнатилди, ўн беш нафар хорижий мутахассис ўқув жараёнига жалб қилинди.

Талабалар алмашинуви бўйича эришилган келишувлар асосида академия магистратураси талабалари ҳозирги кунда етакчи хорижий таълим муассасаларида таҳсил олмоқда.

га яқинлаштирилган ҳолда ўтказиш имконини беради.

Академиянинг 15 мингта китоб фондига эга бўлган ахборот-ресурс маркази Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси, «EBSCO Publishing», «Elibrary» илмий электрон кутубхонаси, «Asian Journal of Comparative Law», «ProQuest» диссертация ва диплом ишлари базасига уланган бўлиб, академияга «Scopus», «Mendeley», «ScienceDirect» ва «Springer Nature» ахборот платформалари ва ресурсларидан фойдаланиш имконияти берилган.

Академияда уч мутахассислик бўйича фалсафа доктори (PhD) ва фан доктори (DSc) илмий

даражаларини бериш бўйича илмий кенгаш фаолият кўрсатади.

Академиянинг олий ўқув юртидан кейинги таълим институтида бугунги кунда 8 нафар докторант ва 24 нафар мустақил изланувчи илмий тадқиқот билан шуғуланмоқда.

Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш соҳасида идоралараро илмий тадқиқотларни амалга ошириш ва мувофиқлаштириш мақсадида академия ташаббуси билан ҳуқуқ фани тарихида биринчи марта ТДЮУ, Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги судьялар олий мактаби, ИИВ академияси, Миллий гвардия ҳарбий-техник институти, ДХХ институти, ДБҚ божхона институти, Адлия вазирлиги ҳузуридаги юристлар малакасини ошириш маркази ва ДСҚ ҳузуридаги малака ошириш марказидан иборат илмий тадқиқот консорциуми ташкил этилди.

Академия ўқитувчилари томонидан 150 дан ортиқ ўқув, услубий ва амалий қўлланма, монографиялар тайёрланди ва чоп этилди.

Академия жамоаси 12 та халқаро лойиҳани, шунингдек Инновацион ривожланиш вазирлигининг илмий-техник дастурлари доирасида 5 та илмий тадқиқотни амалга оширишга жалб қилинган.

Академия томонидан «Бош прокуратура академиясининг ахборотномаси» илмий-амалий журнали чоп этилаёпти, у юридик фанлар бўйича диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этиш учун ОАК томонидан тавсия қилинган илмий нашрлар рўйхатида киритилган.

Академиянинг коррупцияга қарши курашиш илмий таълим маркази фаолияти алоҳида эътиборга молик. Унда асосий йўналишлар сифатида таҳлилий, илмий ва эксперт салоҳиятини юксалтириш, коррупцияга қарши кураш соҳасида кадрларни ўқитиш, шунингдек, мазкур соҳада халқаро ҳамкорликни ривожлантириш қабила белгиланган.

Шунингдек, академия томонидан жиноятларнинг сабаблари тизимли таҳлил қилинади, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш услублари ўрганилади. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқни муҳофаза қилишни такомиллаштириш борасида илмий тавсиялар ишлаб чиқилади.

Академия мутахассислари жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштиришга масъул гуруҳлар таркибида фаолият юритиб келмоқда.

Академия ходимлари истиқболли кадрларни танлаб олиш бўйича «Тараққиёт» республика танловида, «Эл-юрт умиди» жамғармасининг танловида ҳамда IJET, JICA, E4J, RGSJ ва бошқа халқаро танловларда ғолиб бўлишган.

Ўтган даврда академия мунтазам равишда юриспруденциянинг муҳим масалалари бўйича мутахассислар мулоқот ва ҳамкорлик қилиши учун халқаро майдон яратиш ташаббуси билан чиқди.



Академиянинг ўқув жараёнига амалиётга асосланган ва компетенциявий ёндашув жорий этилиб, фаолиятнинг барча соҳалари рақамлаштирилиши замонавий ахборот-таълим муҳитида инновацион узвийликка ўтиш ҳамда электрон (масофавий) таълим механизмларини тўлиқ жорий этиш имкониятини берди.


Шунингдек, мазкур сана муносабати билан етакчи миллий ва халқаро экспертлар иштирокида ҳуқуқни қўллашда муаммоларни аниқлаш ва ҳал қилишга қаратилган тавсияларни ишлаб чиқиш бўйича онлайн тарзда бир қатор илмий-амалий тадбирлар ўтказилиши режалаштирилган.

Ҳозирги вақтда ташкил топганининг икки йиллиги муносабати билан академияга қўплаб хорижий ва халқаро ташкилотлар табрик йўлламоқдалар.

Фурсатдан фойдаланиб, академия жамоаси табриклар ва самимий тилаклар учун миннатдорлик изҳор этади ҳамда қонунийликни таъминлаш мақсадида прокуратура ходимлари салоҳиятини юксалтиришга қаратилган ҳамкорликни давом эттиришга тайёрлигини билдиради.

Евгений КОЛЕНКО,

Ўзбекистон Республикаси
Бош прокуратураси академияси бошлиғи



Евроосиё иқтисодий иттифоқи судининг миллий суд тизимларига таъсири

Жаҳон ишлаб чиқариш тизимига, дунё бозори талабларига ва иқтисодий интеграция жараёнларига ҳамоҳанг бўлишимиз учун иқтисодий интеграция зарурати юзага келади. Бу борада мамлакатимиз томонидан турли чора-тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда. Жумладан, Ўзбекистоннинг Евроосиё иқтисодий иттифоқи билан ҳамкорлик қилиши билан боғлиқ масалалар ўрганилаётгани¹ бежиз эмас, албатта. Демак, Евроосиё иқтисодий иттифоқи (ЕОИИ) фаолиятини ўрганиш, таҳлил қилиш ва тегишли хулосаларга келиш бугунги кун учун долзарб аҳамиятга эга дейиш мумкин.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга 2020 йилги Мурожаатномаси [Электрон расуыц]: <https://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-25-01-2020>.

Евроосиё иқтисодий иттифоқи собиқ совет иттифоқи ҳудудидаги интеграция лойиҳаси бўлиб, 1995 йилда Россия Федерацияси ва Беларусь Республикаси ўртасида имзоланган «Божхона иттифоқи тўғрисида»ги битимга асосланган ва кейинчалик ўз таркибига Қозоғистон, Қирғизистон ҳамда Арманистонни бирлаштирган.

Бу ўринда, Евроосиё иқтисодий иттифоқи доирасидаги ташкилий-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи органлар фаолияти, ҳуқуқий асослари, ўзаро келишув ва битимларни ўрганиш билан бир қаторда, асосан мазкур ташкилот судининг мақоми, ташкилот доирасида низоларни ҳал қилиш тартиби, шунингдек, ЕОИИ суди қарорларининг миллий суд тизимларига таъсири, уни ижро этиш масалаларини таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир.

Евроосиё иқтисодий иттифоқи судининг мақоми

Евроосиё иқтисодий иттифоқи суди фаолиятининг ташкил этилиши мазкур иттифоқ суди уставининг I, II ва III боблари қоидалари билан белгиланади (2014 йил 29 майдаги Евроосиё иқтисодий иттифоқи тўғрисидаги шартномага 2-илова).

Евроосиё иқтисодий иттифоқининг суди (бундан кейинги ўринларда иттифоқ суди) мазкур иттифоқнинг суд органи ҳисобланиб, у шартнома ва суд низомига мувофиқ доимий асосда ташкил этилади ва ишлайди. Унинг мақсади иттифоқ суди уставининг қоидаларига мувофиқ, аъзо давлатлар ва шартнома иттифоқи органлари томонидан, иттифоқ ичидаги халқаро шартномаларни ва иттифоқ органларининг қарорлари бир хил қўлланишини таъминлашдан иборат.

Вақт ўтиши билан ушбу суд Халқаро суд, Европа суди, Европа инсон ҳуқуқлари суди, Жаҳон савдо ташкилотининг низоларни ҳал этиш органи каби етакчи судларнинг тажрибасидан фойдаланаётганини иттифоқ суди томонидан «Tarasik vs Comission иши»да юқоридаги судларнинг қарорлари прецедент сифатида фойдаланилиши мумкинлиги таъкидлаб ўтилганидан ҳам билиб олиш мумкин².

Мазкур суд кўплаб халқаро судлар каби икки хил юрисдикцияга эга.

1. Низоларни кўриб чиқиш юрисдикцияси

Кимлар иттифоқ судига мурожаат қила оладилар?

Фақатгина иттифоққа аъзо мамлакатлар ҳамда хўжалик субъектлари (аъзо мамлакатларда ёки учинчи мамлакатларда рўйхатдан ўтган юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорлар) судга даъво билан чиқишлари мумкин. Бу ерда шуни ҳам таъкидлаб ўтиш лозимки, иттифоқ комиссияси судга даъво билан чиқа олмайди. У судда фақат жавобгар ёки манфаатдор бўлган учинчи шахс сифатидагина қатнашиши мумкин³.

Аъзо мамлакатлар судга қандай даъволар билан мурожаат этишлари мумкин?

Аъзо мамлакатлар даъво билан чиқиши мумкин бўлган учта ҳолат мавжуд. Булар қуйидагилардир:

1) Иттифоқ доирасидаги халқаро шартномалар ёки уларнинг нормалари Евроосиё иқтисодий иттифоқи шартномасига зид бўлса;

2) Бошқа бир аъзо мамлакат томонидан Евроосиё иқтисодий иттифоқи шартномаси, иттифоқ доирасидаги шартнома, иттифоқ органларининг қарорлари ёки уларга тегишли бўлган қоидалар бузилаётган бўлса;

² Tarasik vs Comission, суднинг 2015 йил 28 декабрдаги қарори.

³ www.courteurasian.org



3) Комиссиянинг қарори Евроосиё иқтисодий иттифоқи шартномаси, иттифоқ доирасидаги шартномалар, иттифоқ органларининг қарорларига зид бўлса.

Аъзо мамлакатлар томонидан даъво билан чиқилганда суд умумий йиғилиш таркибида (Grand Panel), яъни барча судьялар иштирокида ишни кўриб чиқади. Ушбу суд қарори якуний ҳисобланиб унинг устидан ҳеч қандай апелляция қабул қилинмайди.

Хўжалик субъектлари қандай даъволар билан судга мурожаат этишлари мумкин?

Иттифоқ суди статутининг 39-моддаси 2-бандига кўра:

1) Комиссиянинг қарори ёки унинг маълум бир моддалари;

2) Комиссиянинг ҳаракатлари ёки ҳаракатни амалга оширишдаги хатолари иттифоқ шартномаси ёки иттифоқ доирасидаги халқаро шартномаларга зид бўлса ва бу уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига бевосита путур етказса хўжалик субъектлари ҳам судга даъво билан мурожаат этишлари мумкин.

Мазкур вазиятда хўжалик субъектлари фақатгина ўз манфаатларини кўзлабгина судга мурожаат эта оладилар. Хўжалик субъекти учинчи шахслар манфаатларини ёки оммавий манфаатларни кўзлаб даъво билан чиқа олмайди. Бу суд

томонидан кўриб чиқилган «Arselor Mittal Kryvyi Mih vs Comission иши»да судья Чайка томонидан таъкидлаб ўтилган⁴.

Хўжалик субъектлари томонидан даъво билан чиқилганда ишлар Панелда кўриб чиқилади ва унинг ҳар бир аъзоси мамлакатнинг бир нафар судьясидан ташкил топади.

Иттифоқ суди тажрибасидан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, ҳозирги кунгача хўжалик субъектлари аъзо мамлакатларнинг ҳаракатларини ўзгартириш учун уларнинг устидан эмас, балки комиссиянинг устидан судга мурожаат этиб келадилар. Бунда улар комиссия томонидан «назорат ва мониторинг»ни амалга ошириш ваколати бажарилмаётганини важ қилиб келтирадилар⁵.

Мисол орқали тушунтирадиган бўлсак, агарда ЕОИИга аъзо давлат, масалан, Қозоғистон томонидан иттифоқ шартномасига зид келувчи ҳаракатлар амалга оширилса ва бу хўжалик субъектларининг ҳуқуқларини бузаётган бўлса, хўжалик субъектлари Қозоғистон устидан эмас, балки комиссия устидан судга мурожаат қилади. Чунки комиссия томонидан «назорат ва мониторинг» етарли даражада амалга оширилмагани сабабли мазкур ҳолат юзага келганини айтади. Бу каби ҳолатни «Gamma vs Comission иши»да учратишимиз мумкин⁶. Хўжалик субъекти иттифоқ судига Қозоғистоннинг солиқ қонунчилиги иттифоқ шартномаларига зид эканини таъкидлаб, бунинг юзага келишига сабаб комиссия томонидан «назорат ва мониторинг» етарли даражада амалга оширилмаганида деб ҳисоблаган. Яна бундай ҳолатни «Tarasik vs Comission», «Rusta-broker vs Comission» ҳамда «Oil Marine Group vs Comission» ишларида ҳам учратиш мумкин.

2. Маслаҳат юрисдикцияси

Иттифоқ суди маслаҳат юрисдикциясига ҳам эга бўлиб, аъзо мамлакатлар ҳамда иттифоқнинг органлари талабига биноан иттифоқ шартномаси, иттифоқ доирасидаги шартномалар ёки учинчи тарафлар билан бўлган халқаро шартномаларнинг нормаларининг қандай маъноларни англатиши юзасидан аниқлаштирувчи қарорлар чиқариши мумкин. Аммо ушбу қарорлар мажбурий кучга эга эмас.



⁴ Arselor Mittal Kryvyi Mih vs Comission, суднинг 2017 йил 27 апрелдаги қарори. 26-бет.

⁵ Rovnov Y., Sporysheva N «The Court of the Eurasian Economic Union: Some Initial Jurisprudence», Trade Policy. Торговая политика /2016. № 4/8, 43-6ет.

Евроосиё иқтисодий иттифоқи судида ишларни кўриб чиқиш

Иттифоқ судига тўғридан тўғри мурожаат этиш мумкинми?

Иттифоқ суди ҳам Европа иттифоқи суди ҳамда Жаҳон савдо ташкилоти каби судгача бўлган процедура талабини кўяди. Агарда ушбу талаб бажарилмаса иттифоқ суди ўз статутининг 33-моддасига кўра ишни кўриб чиқмайди. Судгача бўлган процедурани бажармагани сабабли бир қанча хўжалик субъектларининг даъволари бўйича суд ўз юрисдикциясини рад этган. Бу талаб Евроосиё иқтисодий иттифоқи шартномасининг 112-моддасида (Иттифоқ суди статутининг 43-моддаси) ҳам таъкидлаб ўтилган.

Судга даъво билан чиқилишидан аввал тарафлар консултация ва музокараларни амалга оширган бўлишлари лозим. Бу каби ҳолат «Russia vs Belarus иши»да ҳам юзага келган бўлиб, Россия Федерацияси судгача бўлган процедура талабларини бажармагани учун суд ўз юрисдикциясини рад этган⁷.

Бу борада ҳам баъзи тортишувлар бўлиб ўтган. Масалан, иттифоқ суди судьяси Нешатаева «Иттифоқ суди статутининг 43-моддаси ҳамда 23.2-моддалари суддан олдинги процедура талабини кўймайди, шу сабабли суддан олдинги процедура мавжуд бўлмаса ҳам ишни кўриб чиқиш лозим» деб таъкидлаган. Бундай ҳолатга асос қилиб «Nicaragua vs USA иши»⁸ ни асос қилиб келтирган. Бироқ бошқалар томонидан 23.2-модда суддан аввалги процедурага нисбатан татбиқ этилмаслиги таъкидланиб, ҳозирги кунда суддан олдинги процедура талаби ўз тасдиғини топиб улгурган.

Иттифоқ суди аъзо мамлакатлар учун мажбурий бўлмаган қондаларни ҳам талқин қилиш ваколатига ээми?

Иттифоқ комиссияси классификацияга доир қарорларни ҳам чиқариш билан шуғулланади. Бундай турдаги қарорлар, одатда, аъзо мамлакатлар учун мажбурий кучга эга бўлмаган қарорлар бўлиб, суд томонидан талқин этилмайди. Бундай ҳолатни «Sevlad vs Comission» ҳамда «General Freight vs Comission» ишларида ҳам учратишимиз мумкин⁹.

Иттифоқ суди ишларни кўриб чиқишда қандай ҳуқуқ манбаларига асосланади?

Иттифоқ суди ишларни кўриб чиқишда қуйидаги ҳуқуқ манбаларига асосланади:

1. Евроосиё иқтисодий иттифоқи шартномаси;
2. Евроосиё иқтисодий иттифоқи доирасидаги халқаро шартномалар;
3. Евроосиё иқтисодий иттифоқи органлари томонидан чиқарилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар;
4. Евроосиё иқтисодий иттифоқи аъзо мамлакатлар суд процесси қатнашчиси бўлганда улар аъзо бўлган халқаро шартномалар;
5. Халқаро судларнинг қарорлари (прецедент сифатида).

Иттифоқ суди томонидан ҳуқуқ манбаларини қўллашда муаммо асосан юқоридаги 4 бандда келиб чиқиши мумкин. «General Freight vs Comission иши»да хўжалик субъекти томонидан даъво билан чиқилганда иккита ҳолат суд томонидан текшириб чиқилган. Биринчидан, иттифоқнинг барча аъзо мамлакатлари бажарилиши талаб этилаётган халқаро шартномага аъзо экани; иккинчидан, халқаро шартномада назарда тутилган масала иттифоқнинг умумий сиёсатига мос экани. Бундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, суд нафақат давлатларнинг халқаро шартномага аъзо экани, балки халқаро шартноманинг иттифоқ сиёсатига нечоғли мос эканини текшириш билан иттифоқ доирасидаги яхлитлик ва асосий устунларни сақлаб туради.

Иттифоққа аъзо давлат томонидан амалга оширилган ҳаракатлар мазкур давлат аъзо бўлган ва бошқа бир мамлакат ёки хўжалик субъекти томонидан бажарилиши талаб этилаётган шартномага зид бўлса-да, иттифоқнинг умумий сиёсатига мос бўлса ва ўша халқаро шартнома иттифоқнинг умумий сиёсатига зид келса суд ишни шу давлат фойдасига ҳал қилиб беришининг эҳтимоли катта.

⁶Gamma vs Comission, суднинг 2015 йил 10 мартдаги буйруғи. 1, 3-бетлар.

⁷Russia vs Belarus, суднинг 2016 йил 12 сентябрдаги буйруғи. 5-бет.

⁸БМТ Халқаро суди томонидан 1984 йилда кўриб чиқилган.

⁹Sevlad vs Comission, суднинг 2016 йил 7 апрелдаги қарори, 20-бет., General Freight vs Comission, суднинг 2016 йил 21 июндаги қарори, 17-19-бетлар.



Иттифоқ судининг миллий судларга таъсири

Иттифоқ судининг ички судларга таъсири билан боғлиқ қандай муаммолар мавжуд?

Европа иттифоқи судидан фарқ қилиб, Евроосиё иқтисодий иттифоқи суди аъзо мамлакатларнинг судларига дастлабки қоидалар (preliminary rulings) бериш ваколатига эга эмас. Лекин бундай ваколатга эга эмаслиги иттифоқ судининг миллий судларга мутлақо таъсир этмаслигини аниқлатмайди.

Иттифоқ суди миллий судларга таъсир этиши мумкин бўлган иккита ҳолат мавжуд:

– Миллий судга даъво қилиб чиқилган аъзо мамлакат ҳукумати томонидан содир этилган ҳаракат иттифоқ суди томонидан иттифоқ шартномаси ёки иттифоқ доирасидаги халқаро шартномаларга мувофиқ эмас деб топилган ёки топилши мумкин бўлган комиссиянинг қарорига асосланган бўлса;

– Миллий суд иттифоқ суди қарорига асосланган ҳуқуқий позициясини ўз қароридида акс эттирса.

Буларни янада батафсилроқ таҳлил қиламиз.

Биринчи таъсир. Биринчи ҳолатга юзланадиган бўлсак, иттифоқ суди томонидан статутнинг 112-моддасига кўра, комиссия қарори иттифоқ шартномасига мувофиқ эмас деб топилган суд амалиётининг мавжудлиги ўз-ўзидан ички судлардаги шу билан боғлиқ ишларнинг қандай яқун топишини ҳам белгилаб беради деб айтиш мумкин¹⁰. Яъни шу каби ҳолатда аъзо давлат судига мурожаат этган ҳўжалик субъекти даъвосини кўриб чиқишда, катта эҳтимол билан аъзо давлат судлари иттифоқ судининг шу каби ишда чиқарган қарорлари талқинига асосланади.

Иккинчи таъсир. Юқорида келтирилган дастлабки таъсир унчалик ҳам мураккаб бўлмаган ҳолат. Аммо иккинчи таъсир бир мунча мураккаб ҳисобланади. Бунда аъзо давлат судларида иттифоқ шартномаларига боғлиқ ишлар кўриб чиқилаётган бир пайтда, айнан шу масалага узвий алоқадор бўлган комиссиянинг қарори иттифоқнинг халқаро шартномаларига мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги бўйича иш иттифоқ судида кўрилаётган ва ҳали иттифоқ суди томонидан қарор чиқарилмаган бўлса юзага келади.

Бундай вазиятларда катта эҳтимол билан миллий судга мурожаат этган даъвогар ишни кўришни иттифоқ суди ўз қарорини чиқаргунича тўхтатиб туришни талаб қилиб чиқади. Дейлик, Ўзбекистон Республикаси процессуал қонунчилигида бундай ҳолатларда ишни кўришни тўхтатиб туриш билан боғлиқ нормалар мавжуд эмас. Бу ўз-ўзидан Ўзбекистон судларига қийинчилик туғдиради. Россия Федерацияси Фуқаролик процессуал кодексида ҳам бу каби норма мавжуд эмас. Бироқ Россия Федерациясининг Арбитраж процессуал кодексининг 144-моддасига биноан арбитраж суди кўриб чиқилаётган ишни тўхтатиб туриш ваколатига эга. Бунда ушбу кўриб чиқилаётган иш бўйича ёки унга алоқадор ҳолат бўйича халқаро судлар ёки чет эл судларида ишлар кўриб чиқилаётгани талаб этилади. Демак, арбитраж суди ушбу ишлар яқунлангунига қадар ишни кўришни тўхтатиб туради.

Учинчи таъсир. Шунингдек, бундай вазиятда Ўзбекистоннинг процессуал қонунчилиги аллақачон кучга кириб бўлган миллий суднинг қарорини иттифоқ суди қарорини асос қилиб янги топилган ҳолатлар бўйича ўзгартиришга йўл қўймайди. Аниқроғи, бундай ҳолат мавжуд эмас. Россия Федерациясида ҳам худди шундай ҳолат ҳужмрон. Аммо Россияда Европа инсон ҳуқуқлари суди қарори чиққандан сўнг бундай ҳолатга йўл қўйилиши мумкин. Бундан келиб чиқадики, Ўзбекистон судларининг қарори Евроосиё иқтисодий иттифоқидаги интеграция ва бир хилликни таъминлаш мақсадида ўзгартирилиши мумкин. Албатта, бу кўпроқ Ўзбекистоннинг позициясига боғлиқ. Агарда миллий суд қарори ўзгартирилмаса ишда ютқизган шахснинг ҳуқуқлари аслида бузилган ва адолат таъминланмаган бўлиб қолади.

Тўртинчи таъсир. Бундай ишларнинг кўрилиши ва иттифоқ суди қарорининг ҳисобга олиниши маълум бир даражада давлатларда суд амалиётини яратади ва бу Ўзбекистон Олий судининг пленум қарорларида ҳам ўз аксини топиши табиий. Демак, аста-секинлик билан бўлса ҳам иттифоқ суди аъзо мамлакатларнинг ички судлари учун прецедент ҳуқуқини яратиш билан таъсир эта бошлайди.

¹⁰ Ekaterina Diyachenko, Kirill Entin «The Court of the Eurasian Economic Union: Challenges and Perspectives. Russian Law Journal Volume V (2017) Issue 2, 64-65-бетлар.



Иттифоқ судининг қарорлари ижроси

Иттифоқ судининг қарорлари қандай ижро этилиши масаласи ҳозирги кунда Евроосиё иқтисодий иттифоқига аъзо бўлган мамлакатлар ўртасида муҳокама этилмоқда. Чунки ушбу суд қарорларини ижро этиш борасида ҳанузгача иттифоққа аъзо мамлакатлар ўртасида ягона қоидалар мавжуд эмас. Бу ерда катта муаммо шундаки, суд статутини суд қарорлари аъзо мамлакатларнинг оммавий тартибига зид бўлса, уларни ижро этмаслик бўйича қоидалар белгиланмаган. Шунингдек, билан этилмаслик ёки суд қарорини тан олмаслик билан боғлиқ шартлар ҳам мавжуд эмас.

2019 йилнинг 19-20 сентябрида Минск шаҳрида «Евроосиё иқтисодий иттифоқи шартномасининг беш йиллиги: суднинг роли» мавзусида бўлиб ўтган халқаро конференцияда Беларусь Адлия вазири ҳам иттифоқ судининг қарорлари ижроси масаласини танқид қилди. Вазирнинг фикрича: *«Ҳозир суд орқали низоларни ҳал этиш энг сўнги чора бўлиб қолмоқда. Аммо кўпчилик судгача низоларни ҳал этмоқда ва суд орқали низоларни ҳал қилишни истамаяпти. Мен ишонаманки, иттифоқ судининг қарорларини ижро қилиш тизимини янада ривожлантириш суднинг обрўсини оширган бўлар эди. ... суд қарорларини ижро этиш масаласи ноаниқ бўлиб қол-*

*моқда ва уларга тезроқ ойдинлик киритиш зарур»*¹¹. Шунингдек, Қозоғистон парламентининг депутати Бектош Берназаров ҳам «Бу иш тезроқ амалга оширилиши лозим. Аъзо мамлакатларнинг барча вакиллари ўз мамлакатлари манфаатларини ҳимоя қилишга ҳаракат қиладилар. Уларнинг аргументларининг охири кўринмайди ва бир қарорга кела олмайдилар. Агарда суд булар борасида хулоса бера олса ва бу барча мамлакатлар учун мажбурий бўлса, кўплаб муаммолар ҳал этилган бўлар эди»¹² деб таъкидлайди. Шу сабабли ҳозирги кунда ушбу суд қарорлари ижроси масаласида ижобий фикр билдириш қийин. Айниқса, оммавий тартиб билан боғлиқ моддаларнинг мавжуд эмаслиги аъзо мамлакатлар томонидан оммавий тартибни баҳона қилган ҳолда суднинг қарорларини тан олмаслик ва ижро этмаслик ҳолатларини юзага келтириши ёки сиёсий жиҳатдан кучли мамлакатларнинг қарорларни менсимаслик ҳолатларини юзага келтириш эҳтимоли ҳам мавжуд.

Дилдора УМАРХАНОВА,

юрidik фанлар доктори, доцент,
ТДЮУ кафедраси мудири

Аҳаджон ҲАКИМОВ,

ТДЮУ катта ўқитувчиси

¹¹ Қаранг: <https://eng.belta.by/society/view/slizhevsky-procedure-of-enforcement-of-eaeu-court-decisions-needs-improving-124299-2019>.

¹² Қаранг: <https://eng.belta.by/society/view/slizhevsky-procedure-of-enforcement-of-eaeu-court-decisions-needs-improving-124299-2019>.



1 БЎЛИМ

Ўзингизни қизиқтирган саволга жавоб топинг

Ишлаш

- | | | |
|---|---|---|
| Уй-жой масалалари
Солиқ, сотиб олиш, расмийлаштириш ва давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби | Ижтимоий ҳимоя
Нафақалар, бола парварishi учун тўлов, моддий ёрдам | Тадбиркорлик фаолияти
Корунчилик, солиқ ва унинг турлари, жарималар, импорт, экспорт |
| Банк фаолияти
Корунчилик, Молия-кредит, омонат | Ишлаб чиқариш, сертификатлаш ва ветеринария хизматлари
Саноат, маҳсулот, сертификатлаштириш, чорвачилиқ, уй ҳайвонлари | Солиқлар ва жарималар
Корунчилик, солиқ ва унинг турлари, жарималар, текширишлар. |
| Ахборот технологиялари ва коммуникациялари
Телефон, интернет, ахборот тизимлари, лицензиялаш, телекоммуникация, мобил алоқа | Транспорт масалалари
Жаннат транспорти, автотранспорт vosиталари, автомобиль йўллари, темир йўли, вақо транспорти, йўл ҳаракати каффисикоти | Турли масалалар
Ижтимоий қабатнинг турли йўналишлари |
| Ҳуқуқий масалалар
Корунчилик, адвокатура, ижтимоий масалалар, инсон ҳуқуқлари | Таълим, фан ва маданият
Корунчилик, таълим турлари, фан ва маданият | Меҳнат ва аҳоли бандлиги
Меҳнат қонуночилиги, меҳнат муносабатлари масалалари ва бандликка қўшилган |

Мурожаатлар

билан ишлаш борасида айрим ташкилий-ҳуқуқий муаммолар

Бугунги кунда мамлакатимизда кечаётган демократик янгиланишлар шароитида давлат органларининг халқ билан самарали мулоқотни йўлга қўйиши, фуқароларга давлат хизматларини лозим даражада кўрсатиши долзарб аҳамият касб этмоқда.

Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Респуб-

ликаси Конституцияси қабул қилинганнинг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида **«Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак ва бу ҳақиқатни аввало барча бўғиндаги раҳбарлар яхши тушуниб олиши зарур»¹** деб таъкидлаб ўтган эди.

Давлат органларининг халқ билан мулоқоти асосий шакллари билан бири – фуқаролар мурожаатларидир. Асосий қонуни-мизнинг 35-моддасида ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқи-

¹<https://president.uz/uz/lists/view/2>

га эга эканлиги мустақамлаб қўйилган².

Зеро, аҳоли мурожаатлари билан ишлаш давлат органлари ва ташкилотлари, давлат хизматчилари учун муҳим вазифа ҳисобланади, шу сабабли, фуқароларнинг розилигига эришиш борасида барча куч ҳамда воситалар сафарбар қилиниб, зарур чоралар кўриш алоҳида аҳамият касб этади.

Аҳоли мурожаатларининг давлат бошқарувидаги ўрни юқори бўлиб, улар ҳар қандай давлат органи учун ислох қилиш лозим бўлган соҳалар ва йўналишларни аниқлаш, аҳолига манфаат келтирадиган тадбирларни амалга ошириш, халқчил қонунчилик базасини яратиш, хатоларни бартараф этишда муҳим ўрин тутати. Шу билан бирга, мурожаатлар фуқаро умри давомида давлат билан қай даражада мулоқотга (муносабатга) киришадиганини таҳлил қилиш ҳамда шу орқали давлатнинг ҳар бир фуқаро ҳаётида қанчалик даражада аҳамият касб этаётганини аниқлаш, муайян ҳудудда давлат ўз вазифасини қай даражада бажарётганлигини баҳолаш имконини беради.

Мурожаат қилиш ҳуқуқининг амалга оширилиши давлат органлари томонидан муайян миқдорда моддий ресурс, яъни иш кучи, моддий-техник воситалар, маблағ, вақт ва ҳоказолар сарфланишини талаб қилади. Шу сабабли мурожаатлар билан ишлаш жараёнини имкон қадар масъулият ва ақл билан, қўпол хато ва камчиликларга йўл қўймаган тарзда таш-

кил этиш зарур. Аслида, аксарият шахслар муайян масалани ўзи мустақил ҳал қила олмагандан сўнггина ёрдам сўраб давлат органи ёки мансабдор шахсга мурожаат қилади.

Мурожаатлар билан ишлашда амалиётда қатор муаммолар бўлиб, уларнинг баъзиларини кўриб чиқсак.

Ўрганишлар айрим давлат органлари, жумладан маҳаллий ҳокимликлар томонидан мурожаатлар билан ишлашда, айниқса, тизим ташкилотлари доирасида масъул ижрочиларни белгилашда қатор камчиликларга йўл қўйиладиганини кўрсатди. Шу ўринда биргина мисол: амалиётда қўйилган масалани ҳал қилиш учун масъул этиб белгиланган юқори турувчи ташкилотлар томонидан мурожаатлар кўриб чиқиш учун қарорлари ёки ҳаракатлари (ҳа-

ракатсизлиги) устидан шикоят қилинаётган шахсларга юборилмоқда. Ушбу ҳолат оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда танқид ва муҳокамаларга сабаб бўлмоқда; бироқ кўп ҳолларда аҳоли туб моҳиятни тушунмай фикр юритмоқда. Мазкур масалани оддий қилиб тушунтирадиган бўлсак, Ўзбекистон Республикаси президентининг виртуал қабулхонаси тизимига мурожаатлар келиб тушгач, улар ўрганилиб, ижро учун фақат юқори турувчи ташкилотлар (вилоят ҳокимликлари)га юборилади. Бунда мурожаатлар юқори турувчи ташкилотлар масъуллари томонидан ўрганиб чиқилиб, зарур бўлса, қонун талабларига қатъий риоя қилган ҳолда қўйи ташкилотларга ижро учун йўналтирилади.

Шулардан келиб чиқиб, мурожаатлар билан ишлашнинг асосий босқичи бўлган мурожаатларни саралашда йўл қўйиладиган камчиликлар таҳлил қилинди ва натижада мурожаатларни кўриб чиқиш бўйича масъул ташкилотлар томонидан мурожаатларни ижро учун қабул қилишда асосан қуйидаги камчиликларга йўл қўйиладиганлиги аниқланди:

● давлат органининг мурожаатлар билан ишловчи ходимлари томонидан ташкилотга кўриб чиқиш учун келиб тушган мурожаатлар мазмунини, такрорийлигини ва бошқа муҳим ҳолатлар ҳам инobatга олинмасдан, масала қайси даражада (республика – вилоят – туман) ҳал қилиниши мақсадга мувофиқлигига етарлича баҳо берилмасдан, илгари қўйи тизим ташкилоти томонидан қабул қилинган, хусусан мурожаатни кўриб чиқишни тугатиш бўйича қарорлар асослигини чуқур ўрганилмасдан мурожаатлар қўйи тизим ташкилотига такроран юборилмоқда;

² Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2018. – 80 б.



● давлат органлари масъуллари томонидан «Жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари тўғрисида»ги қонуннинг³ 25-моддасида белгиланган – қўйилган масалаларни ҳал этиш ўзининг ваколати доирасига кирмайдиган давлат органига, ташкилотга ёки уларнинг мансабдор шахсларига келиб тушган муурожаатлар беш кунлик муддатдан кечиктирмай тегишли органларга, бошқа ташкилотларга ва мансабдор шахсларга юборилиши ҳақидаги талабга риоя қилинмаяпти, яъни беш кунлик муддат ўтказиб юборилмоқда;

● қўйилган масалаларни кўриб чиқиш ва ҳал этиш ташкилот ваколати доирасига кирса-да, келиб тушган муурожаатлар, уларнинг иловалари матни билан тўлиқ танишмасдан, муаллифининг олдин қилган муурожаатлари мазмунини текширмасдан, уларни бошқа ташкилотга ўтказишга уриниш ҳолатлари учрамоқда;



● электрон тизимда муурожаатларни ижро учун қабул қилиш бўйича ўзаро ёзишмалар жараёнида давлат органларининг муурожаатлар билан ишловчи масъул ходимларининг ўзи ишлаётган ташкилотнинг вазифалари, фаолиятига доир қонун ҳужжатлари мазмунини билмаслиги, тилшунослик қоидалари ва одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилмаслиги ҳолатлари кўплаб кузатилмоқда;

● масъул ташкилот томонидан кўриб чиқишга қабул қилиниб, сўнг муурожаатга жавоб хати тизимга киритилгач, берилган жавоб мазмуни масъуллар томонидан рад этилгач, ҳатто бир неча бор, давлат органлари томонидан масаланинг ечими сифатида муурожаатни кўриб чиқиш учун бошқа ташкилотга ўтказишга ҳаракат қилинмоқда;

● қўйилган масалани ҳал қилиш учун муайян қўшимча вақт берилиши сўралган муурожаатлар бўйича белгиланган муддат яқунланганда масалани ҳал қилиш ўрнига муурожаатни кўриб чиқишни бошқа ташкилотларга юклашга уриниш учрамоқда.

Айтиш мумкинки, ушбу ҳолатлар содир бўлишига қатор омиллар сабаб бўлмоқда, жумладан:

□ қўйи тизим ташкилотларининг муурожаатлар билан ишлаш фаолияти юқори турувчи ташкилотлар томонидан қатъий назорат қилинмаяпти, лозим даражада мувофиқлаштирилмаяпти, зарур ёрдам кўрсатилмаяпти. Таъкидлаш жоиз, айрим юқори турувчи ташкилотлар Президент виртуал қабулхонаси тизими ва қўйи ташкилотлар ўртасида «қурьер» вазифасини ўтаётгандек туюлмоқда;

□ айрим давлат органларининг муурожаатлар билан ишлаш бўйича таркибий бўлинмаларига масъулиятли, ишчанлик обрўсига, етарли билим ва салоҳиятга, халқ билан мулоқот қилиш кўникмасига эга бўлган тажрибали ходимлар жалб қилинмаган;

□ айрим давлат органларининг биринчи раҳбарлари муурожаатларда энг кўп қўтарилаётган муаммоларнинг, шу билан бирга, жуда кўп марта ва тинимсиз муурожаат қилганлар масаласининг «ичига кирмаётганлиги», ушбу йўналишни ўз ҳолига ташлаб қўйгани, назоратни сўсайтириб юрганлиги натижасида ходимларда ҳам аҳоли муурожаатларига нисбатан юзаки ва беписанд ёндашув вужудга келяпти. Ўз навбатида, уларнинг кўриб чиқилишидан кўра асоссиз равишда бошқа ташкилотга ўтказилишидан манфаатдорлик ҳисси ортиб бормоқда.

³ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 37-сон, 977-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий Базаси, 30.01.2018 й., 03/18/463/0634-сон; 11.03.2020 й., 03/20/608/0278-сон.



Бундай ҳолатлар мурожаатларнинг ўз вақтида ижросини таъминлаш учун масъулларга етиб бормаслиги, белгиланган муддатларда кўриб чиқилмаслиги, аҳоли муаммолари ҳал қилинмаслиги, оқибатда фуқароларда давлат органлари ва мансабдор шахсларига нисбатан ишончсизлик пайдо бўлишига олиб келмоқда. Ушбу муаммолар сирасига, шунингдек, қуйи ташкилотларнинг қўйилган масалаларни ечишга «панжа орасидан» қараши, мурожаат қилувчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари асосиз бузилиши, такрорий мурожаатлар кўпайиши, кўплаб моддий ресурслар сарфланиши кабиларни ҳам киритиш мумкин.

Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси президентининг виртуал қабулхонаси тизимида сунъий интеллект ютуқларини, жумладан муайян саволлар-

га жавоблар киритилгач, тизимнинг ўзи мурожаатни қайта ишлаши, автомат равишда масъул ташкилотга юборишини, шунингдек телефон орқали келаётган мурожаатларни автоматик равишда матн ҳолига келтирадиган технологияларни жорий этиш масаласини кўриб чиқиш таклиф этилади. Инглиз, рус ва бошқа тилларда аудио ёзувни матн ҳолига келтириш имконияти яратилганлиги барчамизга маълум. Ушбу таклифни амалга оширишда кўпгина масалалар, хусусан, мурожаат қилувчиларнинг муайян шевада гапириши ҳам эътиборга олиниши зарур.

Таклиф этилаётган ушбу механизмлар самара беради, мисол учун, мурожаатлар билан ишлашда инсон омили камайишига эришилади, моддий ресурслар тежалди, уларни бошқа соҳаларга сарфлаш им-

конияти яратилади, матнлар хатосиз киритилади ва ҳоказо. Статистик маълумотларга назар солсак, айрим мулоҳазаларга қисман жавоб топилади, яъни жорий йилда (2020 йил 1 январдан 11 майгача) Ўзбекистон Республикаси президентининг халқ қабулхоналари ва виртуал қабулхонасига 347 578 та мурожаат келган бўлса, шуларнинг 251 750 таси ахборот-коммуникация технологиялари воситаларидан фойдаланган ҳолда, яъни веб-сайт (электрон) орқали 37 223 та, ишонч телефони (1000) орқали 214 527 та, почта (қоғоз) орқали эса 12 951 тагина мурожаат⁴ келиб тушган. Ушбу ҳолатда айтиш ўринли, пандемия шароитида карантин чекловлари ўрнатилгани ҳам мурожаатларнинг ёзма (қоғоз) шакли биров қисқаришига таъсир қилган бўлиши мумкин.

⁴Ўзбекистон Республикаси президентининг виртуал қабулхонаси тизими маълумотлари асосида. <https://pm.gov.uz/uz>.



Юқоридагиларга асосан, давлат органларида мурожаатлар билан самарали ишлаш учун қўйидаги тавсияларга эътибор берилса, фойдадан холи бўлмайди:

☒ мурожаатлар билан ишловчи, хусусан, уларни кўриб чиқиш учун қабул қилувчи, масъулларни белгиловчи ходимларнинг эгаллаб турган лавозимига мослигини танқидий ўрганиш, бундай лавозимларга муносиб номзодларни тайинлаш, уларнинг масъулияти ва шахсий жавобгарлигини янада ошириш бўйича тезкор ва аниқ чоралар кўриш;

☒ фуқаролар илгари ёзган мурожаатларини кўриб чиқиш натижаларидан норозилик билдирган бўлса, бундай мурожаатларни бевосита юқори турувчи ташкилот томонидан ишчи гуруҳ тузган ҳолда (зарур ҳолларда бошқа давлат органлари вакилларини ҳам жалб қилиш) синчковлик билан чуқур ўрганиш ва масалага имкон қадар «нуқта қўйиш» амалиётини кенгайтириш;

☒ мурожаатларни юзаки ва сифатсиз кўриб чиққан шахсларга нисбатан муросасиз муносабатда бўлиш ва уларга белгиланган тартибда тезкор ҳамда таъсирчан чоралар қўллаш, ўз ишига сидқидилдан ва виждонан ёндашган ходимларни эса рағбатлантириб бориш;

☒ фуқароларнинг бевосита ташкилот раҳбарига қилган мурожаатлари билан ишлаш ҳолатини мунтазам равишда назорат қилиб бориш (чунки бундай тоифадаги мурожаатларга оид барча вазифалар тизим орқали фуқароларнинг ўзлари томонидан амалга оширилади);

☒ давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан ўзларининг марказий ва қўйи тизимларидаги мурожаатлар билан ишлаш ҳолати танқидий таҳлил қилиб борилишини, шунингдек қабул қилинаётган, ўзгартириш ва қўшимчалар киритилаётган ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари мазмуни тўғрисида масъул ходимларнинг вақтида хабардор қилинишини таъминлаш;

☒ қонун ҳужжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқишда, биринчи навбатда, мурожаатлардаги муаммоларни синчковлик билан ўрганиш, таҳлил қилиш ва уларда қўйилган тизимли вазифаларни ҳал қилишга эътибор қаратиш;

☒ мурожаатлар билан ишловчи масъул ходимларнинг билим ва кўникмаларини мунтазам равишда ошириб бориш учун замонавий ахборот-коммуникация технологияларини қўллаб, жумладан, видеоконференцолақа шаклида ўқув ва амалий семинарлар ташкил этиб бориш.


Мухтасар айтганда, ҳозирги кунда аксарият давлатлардаги каби мамлакатимиз аҳолиси ҳам пандемия шароитида яшамоқда, бу барчамизга – мурожаат қилувчига ҳам, давлат хизматчиларига ҳам муайян хулосалар чиқариш учун замин яратди. Биз айрим масалаларда мурожаат қилишга умуман зарурат йўқлигини, истасак одамлар манфаат кўрадиган янада кўп ишлар қилишимиз, яъни янада кўпроқ куч ва маб-

лаф сафарбар қилишимиз, вазифаларимизни уйдан туриб ҳам бажаришимиз мумкинлигини, айрим вақтларда устидан билиб-билмай тинимсиз ёзадиганимиз давлат хизматчиларини ҳурмат қилиш лозимлигини англадик. Шунингдек, қоғоздан фойдаланмасдан ҳам мурожаат ёзишни ўргандик, ёрдам беришни чин дилдан истасак, қонун ҳужжатлари нормаларини аҳоли фойдасига талқин қилиш мумкинлигини ҳис қилдик,

электрон шаклдаги ҳужжатлар билан ҳам (таълим, банк соҳасида, эндиликда жиноят процессида ҳам шундай амалиётни максимал даражада жорий қилиш масаласини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ) юридик фактларни белгилаш мумкинлигини амалда қўллаб кўрдик. Демак, бу борадаги ишларни давом эттириб, янада улкан марраларни забт этишимиз лозим.

Олим ФАЙЗИЕВ,

юридик фанлар бўйича
фалсафа доктори



Давлат хизматида манфаатлар тўқнашуви

Ҳозирги замонда деярли барча мамлакатларда давлат ва жамият механизмларининг бир маромда ишлашига тўсқинлик қилаётган, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари обрўсига жиддий путур етказадиган муаммо коррупциядир. Коррупцияга қарши курашишнинг самарали ҳуқуқий восита ҳамда механизмларини ишлаб чиқиш, жорий этиш давлат ва жамиятнинг тараққиётида муҳим аҳамият касб этади.



Давлатимиз раҳбари 2020 йил 24 январь кун Олий Мажлисга қилган мурожаатида жамиятимизда коррупция тараққийетимизга ғов бўлаётгани, бундай ёвуз балонинг олди олинмаса, ҳақиқий ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини яратиб бўлмаслиги, умуман, жамиятнинг бирорта тармоғи ривожланмаслиги ҳақида тўхталиб, коррупцияга қарши курашга энг яхши мутахассислар жалб қилинмаса, жамиятимизнинг барча аъзолари, таъбир жоиз бўлса, «ҳалоллик вакцинаси» билан эмланмаса, ўз олдимизга қўйган юксак марраларга эриша олмаслигимизни алоҳида таъкидлади.

Коррупцияга қарши курашиш механизмларининг ҳал қилувчи асосларидан бири давлат хизматида манфаатлар тўқнашуви институтининг пайдо бўлиши ва унинг қонуний мустаҳкамланишидир.

2017 йил 4 январдан кучга кирган «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги қонуннинг 3-моддасида «Манфаатлар тўқнашуви» тушунчасига изоҳ берилган, яъни манфаатлар тўқнашуви – шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлик шахснинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан фуқароларнинг, ташкилотларнинг, жамиятнинг ёки давлатнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазиятдир.

Давлат хизматида манфаатлар тўқнашуви назарий ва амалий жиҳатдан мураккаб муаммодир. Манфаатлар тўқнашуви ҳуқуқ фанида ҳали кам тадқиқ қилинган. У турли тавсифга эга бўлиши, хусусий, давлат ва жамият манфаатлари ўртасидаги чегараларнинг аниқ кўринмаслиги, ички ва ташқи назоратини ташкил қилиш мураккаблиги, манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ҳамда уни бартараф этиш механизмларининг илмий-ҳуқуқий нуқтаи назардан ноаниқ хусусиятлари билан ажралиб туради.

Ҳозирги вақтда давлат хизматчисини манфаатлар тўқнашувига олиб келадиган шахсий манфаатдорликни чеклаш (рад этиш) тартиби тўла ишлаб чиқилмагани, шунингдек давлат хизматчиларини манфаатлар тўқнашувида ўзини қан-

дай тутишга ўргатиш тизими ҳали талаб даражасида йўлга қўйилмагани кўриб чиқиладиган масаланинг жиддий муаммоларидан ҳисобланади.

Криминология фани назариясида давлат хизматида манфаатлар тўқнашувини вужудга келтирадиган сабаблар етарлича ўрганилмагани, уни келтириб чиқариши мумкин бўлган типик вазиятларнинг рўйхати ва ҳавфлилик даражаси аниқланмагани, манфаатлар тўқнашувини бартараф этишга қаратилган аниқ концептуал усуллар ва уларни жорий этиш тартиби тўлиқ ишлаб чиқилмагани бундай вазиятнинг олдини олишга қаратилган зарур чора-тадбирларни белгилаш ва амалга оширишда айрим муаммоларнинг келиб чиқишига сабаб бўлмоқда.

Соҳа мутахассислари манфаатлар тўқнашувининг келиб чиқиши давлат хизматининг асосий принципларига риоя этмаслик ва давлат хизматчисининг айнан биринчи даражали вазифаларини, худди шунингдек мансаб ёки хизмат мажбуриятларини бажармаслиги ёки лозим даражада бажармаслиги, уларни бажаришда давлат, жамият ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига, амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилмаслиги билан боғлиқлигини эътироф этишмоқда.

Давлат органлари фаолиятида манфаатлар тўқнашуви: давлат хизмати ходимларининг ваколатлари аниқ ва тўла таърифланмагани; давлат органлари ваколатларининг ўхшашлиги, шунингдек уларнинг фаолиятидан аҳоли етарлича хабардор эмаслиги; ҳокимият органларининг айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида коррупциявий нормалар мавжудлиги; норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлатнинг қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилишга тўсқинлик қиладиган ҳуқуқий бўшлиқлар, қарама-қаршиликларнинг тўлиқ бартараф этилмагани; ҳокимиятнинг бошқа давлат органлари ишига аралashi; мансаб мажбуриятларини бажармаслик учун жавобгарликнинг аниқ бел-

гиланмагани; давлат хизматчиларининг вази-
фасини бажариши устидан етарли назорат ўр-
натилмагани ёки унинг сустиги; хизматчилар-
нинг касбий фаолиятига ноқонуний аралашидан
етарлича ҳимоя қилилмагани оқибатида
юзага келиши мумкин.

«Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»-
ги қонуннинг 21-моддасида «Давлат органлари-
нинг ходимлари мансаб ёки хизмат мажбурият-
ларини бажариш чоғида манфаатлар тўқнашу-
вига олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин
бўлган шахсий манфаатдорликка йўл қўймасли-
ги керак. Манфаатлар тўқнашуви юзага келган
тақдирда, давлат органларининг ходимлари ўзи-
нинг бевосита раҳбарини дарҳол хабардор қили-
ши керак. Манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги
тўғрисида маълумотлар олган раҳбар бу тўқна-
шунинг олдини олиш ёки уни бартараф этиш
юзасидан ўз вақтида чоралар кўриши шарт. Дав-
лат органларининг махсус бўлинмалари ёки одоб
комиссиялари манфаатлар тўқнашувини ҳал
этиш қоидаларига риоя этилиши юзасидан мо-
ниторингни амалга оширади. Давлат органлари-
нинг манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш
ёки уни бартараф этиш талаблари бузилишига
йўл қўйган ходимлари, шунингдек уларнинг раҳ-
барлари қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар
бўлади» деб белгиланган.

Демак, манфаатлар тўқнашувининг олдини
олиш мақсадида унинг юзага келиши ва ривож-
ланиш босқичларини барвақт аниқлаш муҳим
вазифа ҳисобланади. Бундай вазиятни давлат ор-

гани хизматчисининг уни ҳуқуқбузарлик содир
этишга кўндиришга уринишгани ҳақидаги ари-
засини, хизматчининг даромадлари, мулклари ва
мулкӣ мажбуриятларига оид маълумотларни,
шунингдек жисмоний ва юридик шахсларнинг
муружаатларини, оммавий ахборот воситалари
ва интернетда ёритилган ахборотларни таҳлил
қилиш орқали аниқлашга қаратилган амалий ва
методологик тавсиялар ишлаб чиқиш мақсадга
мувофиқ.

Давлат хизматида манфаатлар тўқнашувини
барвақт ҳал қилишда Ўзбекистон конституция-
сида назарда тутилган инсон ҳуқуқлари, эркин-
ликлари ва қонуний манфаатларини ишончли
ҳимоя қилишга, коррупцияга қарши курашнинг
самарали механизмларини жорий этишга, сиё-
сий, ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий муносабат-
ларни мамлакатимиз аҳолисининг барча қатлам-
лари манфаатларини ҳисобга олган ҳолда тако-
миллаштиришга, халққа оид масалаларни демо-
кратик принциплар асосида ҳал этишга интилиш
муҳим аҳамиятга эга.

Шу билан бирга аҳолининг ҳуқуқий онги ва
маданиятини юксалтириш, жамиятда корруп-
цияга нисбатан муросасиз муносабатни шакл-
лантириш, шахсий ва жамият манфаатлари ўр-
тасидаги мувозанатни сақлаш гоёларини аҳоли
онгига синдириш, қонун ҳужжатларига риоя
этиш, ўз мажбуриятларини ҳолисона, виждонан,
одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этган ҳолда бажа-
риш ҳар бир давлат органи ходимининг ҳаётий
қоидасига айланиши зарур.



Хулоса сифатида шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, манфаатлар тўқнашувини
юзага келтирадиган сабабларни ўз вақтида аниқлаш, унинг оқибатларини
олдиндан кўра билиш, манфаатлар тўқнашувининг олдини олишга қаратилган
норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш, соҳага оид муаммолар
бўйича илмий тадқиқотлар ўтказиш, улар асосида тавсиялар ишлаб чиқиш ва
амалиётга жорий этиш, шунингдек тўқнашувни ҳал қилиш чораларининг таъсири
ва самарадорлигини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш коррупциявий ҳолат-
ларнинг сезиларли даражада камайишига олиб келиши мўқаррар.



Қонунга хилоф

равишда диний ташкилот тузганлик
учун жиноий жавобгарлик масалалари



Мақсади, вазифалари ва фаолият йўналишлари Ўзбекистон Республикасининг конституцияси, қонунлари ва халқаро шартномаларига зид бўлмаган, қонун ҳужжатларида белгиланган асосларда ва тартибда ташкил этилган, тегишли давлат органларида рўйхатдан ўтган диний ташкилотларгина мамлакатимиз ҳудудида ҳеч қандай тўсиқларсиз фаолият олиб бориши мумкин.

«Виджон эркиниги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонуннинг 8-моддасига биноан «Ўзбекистон фуқароларининг динга эътиқод қилиш, ибодат, расм-русумлар ва маросимларни биргаликда адо этиш мақсадида тузилган кўнгилли бирлашмалари (диний жамиятлар, диний ўқув юртлари, масжидлар, черковлар, синагогалар, монастырлар ва бошқалар) диний ташкилотлар деб эътироф этилади».

Қонун бўйича диний ташкилотни ташкил этиш ташаббусига фақат ўн саккиз ёшга тўлган, республика ҳудудида доимий яшаётган юз нафардан кам бўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари эга.

Бундай ташаббус ҳуқуқига республика ҳудудида истиқомат қилаётган фуқаролиги бўлмаган шахслар ва хорижий давлатларнинг фуқаролари эга эмас.

Белгиланган асослар ва тартибда ташкил этилган диний ташкилотлар ва уларнинг марказий бошқарув органлари Адлия вазирлиги ва унинг ҳудудий органларида давлат рўйхатидан ўтган вақтдан эътиборан юридик шахс мақомига эга бўлади, ўз мақсадига эришиш ва вазифаларини бажариш учун фаолиятини амалга оширишга киришиши мумкин.

Таъкидлаш жоиз, диний ташкилотлар тизи-мида диний ўқув юртлари алоҳида ўрин эгаллайди. Уларни ташкил этиш ва фаолиятини амалга оширишдан кўзланган мақсад диний ташкилотларнинг кадрларга бўлган эҳтиёжини қондиришдир.

Қонуннинг 9-моддасида қайд этилишича «Диний ташкилотларнинг марказий бошқарув органлари руҳонийлар ва ўзларига зарур бўлган диний ходимлар тайёрлаш учун диний ўқув юртини тузишга ҳақли. Диний ўқув юртлари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказилиб, тегишли лицензия олганидан кейин фаолият кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлади».

Мақсад ва вазифалари ҳамда фаолият йўналишларидан келиб чиқиб, диний ташкилотлар ибодат қилиш ёки диний расм-русумлар ўтказиш учун қулай жойлар ташкил этиш, уларни ва зиёратгоҳларни сақлаб туриш ҳуқуқига эга. Шунингдек, бундай ҳуқуқлар сирасига тегиш-

ли ва ўз фаолиятини таъминлаш учун зарур бўлган бинолар, иморатлар, ибодат қилиш анжумлари, ишлаб чиқариш, ижтимоий ва хайрия иншоотлари, пул ва бошқа мол-мулклардан фойдаланиш, уларга эгалик ва тасарруф қилиш, ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолияти билан шуғулланиш, диний адабиётларни, диний маъшуқларга мўлжалланган буюмлар ва диний мазмундаги материалларини Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ишлаб чиқариш, экспорт, импорт қилиш, тарқатиш, хайрия ва меҳр-мурувват фаолиятини амалга ошириш, муқаддас жойларни зиёрат қилиш ёки бошқа диний тадбирларда иштирок этиш мақсадида қонун ҳужжатларига мувофиқ халқаро алоқалар ўрнатиш ва олиб бориш кабилар кирради.



ҚОНУН БҮЙИЧА ДИНИЙ ТАШКИЛОТНИ ТАШКИЛ

Қонун бўйича диний ташкилотни ташкил этиш ташаббусига фақат ўн саккиз ёшга тўлган, республика ҳудудида доимий яшаётган юз нафардан кам бўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари эга. Бундай ташаббус ҳуқуқига республика ҳудудида истиқомат қилаётган фуқаролиги бўлмаган шахслар ва хорижий давлатларнинг фуқаролари эга эмас.

Мақсад ва вазифалари ҳамда фаолиятининг йўналишлари Ўзбекистон Республикасининг конституцияси ва қонунларига ҳамда халқаро шартномаларига зид бўлган, қонун ҳужжатларида белгиланган асослар тартибига риоя қилмаган ҳолда ташкил этилган, ғайриқонуний фаолият олиб бораётган диний ташкилотлар нолегал диний ташкилотлар сифатида эътироф этилади. Уларнинг фаолияти қонун билан тақиқланади, ташкил этишда ва фаолиятини амалга оширишда фаол иштирок этиш қонунга хилоф саналади.



Қуйидагилар қонунга хилоф равишда тузилган диний ташкилотлар ҳисобланади:

✘ Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини зўрлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб қўювчи диний ташкилотлар;

✘ республика суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига қарши чиқувчи диний ташкилотлар;

✘ фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши чиқувчи диний ташкилотлар;

✘ урушни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб қилувчи диний ташкилотлар;

✘ халқнинг соғлиги ва маънавиятига тажовуз қилувчи диний ташкилотлар;

✘ ҳарбийлаштирилган диний ташкилотлар;

✘ миллий руҳдаги диний ташкилотлар;

✘ диний руҳдаги сиёсий партиялар;

✘ махфий диний жамиятлар ва уюшмалар;

✘ конституцияда назарда тутилмаган тартибда давлат ҳокимияти ваколатларини ўзлаштириш мақсадида тузилган диний ташкилотлар;

✘ ҳокимият идоралари фаолиятини тўхтатиб қўйиш ёки тугатишни мақсад қилувчи диний ташкилотлар;

✘ ҳокимиятнинг янги ва мувозий таркибига даъвогар диний ташкилотлар;

✘ республикадан ташқарида тузилган диний партияларнинг филиаллари ва бўлимлари;

✘ терроризм, наркобизнес ва уюшган жиноятчиликка кўмаклашадиган, шунингдек, бошқа ғаразли мақсадларни кўзловчи диний ташкилотлар, оқимлар, секталар ва бошқалар;

✘ давлат ҳокимияти ва бошқарув органлариға, мансабдор шахсларға таъйиқ ўтказишға қаратилган ҳар қандай уриниш, шунингдек, яширин диний фаолият билан шугўлланувчи ташкилотлар;


✘ хусусий тартибда диний таълим беришни ташкил қилишға йўналтирилган диний ўқув юртлари;

✘ Адлия вазирлиги ва унинг ҳудудий органлари томонидан Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита билан келишилмасдан рўйхатға олинган диний ташкилотлар;

✘ белгиланган тартибда адлия органларидан рўйхатдан ўтмасдан фаолият олиб бораётган диний ташкилотлар;

✘ Ўзбекистон Республикасининг «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонуни ва бошқа қонун ҳужжатларининг қоидаларини бузганлиги учун фаолияти тугатилган бўлишиға қарамасдан ўз фаолиятини давом эттираётган диний ташкилотлар;

✘ хорижий давлатлар, уларнинг юридик ва жисмоний шахслари томонидан молиялаштириладиган диний ташкилотлар;



Мақсад ва вазифалари ҳамда фаолиятининг йўналишлари Ўзбекистон Республикасининг конституцияси ва қонунларига ҳамда халқаро шартномаларига зид бўлган, қонун ҳужжатларида белгиланган асослар тартибига риоя қилмаган ҳолда ташкил этилган, ғайриқонуний фаолият олиб бораётган диний ташкилотлар нолегал диний ташкилотлар сифатида эътироф этилади.

✗ диний ниқоб остида экстремистик фаолият билан шуғулланувчи, Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузуми асосларини зўрлик билан ўзгартиришга, ҳудудий яхлитлиги ва суверенитетини бузишга, ҳокимият ваколатларини эгаллашга ёки ўзлаштиришга, қонунга хилоф қуролли тузилмалар тузишга ёки уларда иштирок этишга, террорчилик фаолиятини амалга оширишга, зўрлик ёки зўрлик ишлатишга ошқора даъват қилиш билан боғлиқ ҳолда миллий, ирқий, этник ёки диний адоват қўзғатишга, жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига таҳдид солувчи материалларни тайёрлаш, сақлаш, тарқатиш ёки намойиш этишга, шунингдек экстремистик ташкилотларнинг атрибутларини ёки рамзий белгиларини тайёрлаш, сақлашга, тарқатиш ёки намойиш этиш, бирор бир ижтимоий гуруҳга нисбатан сиёсий, мафкура-

вий, ирқий, миллий, этник ёки диний адоват ёхуд душманлик сабабли оммавий тартибсизликларни амалга оширишга ва бошқаларга йўналтирилган фаолият олиб бораётган диний ташкилотлар;

✗ номи ёки рамзий белгилари маънавиятга, фуқароларнинг миллий ва диний туйғуларига дахл қиладиган диний ташкилотлар;

✗ фаолияти жамиятнинг ахлоқий негизларини, умумбашарий инсонпарварлик қадриятларини бузишга қаратилган диний ташкилотлар;

✗ урушни, зўравонликни ва шафқатсизликни тарғиб қиладиган, жамиятни парчалашга олиб борадиган ижтимоий, шу жумладан синфий, шунингдек, ирқий, миллий ва диний адоватни авж олдириш, қонун билан тақиқланган бошқа хатти-ҳаракатлар қилиш мақсадини кўзлайдиган диний ташкилотлар¹.

Юқорида зикр этилган ташкилотларни тузиш ва улар фаолиятини амалга оширишда фаол иштирок этиш жиноят сифатида эътироф этилади, бундай хатти-ҳаракатни содир этган шахслар жиноий жавобгарликка тортилади².

Мазкур хатти-ҳаракатлар, биринчидан, ғайриқонуний диний ташкилотларни қонунга хилоф равишда тузиш, иккинчидан, фаолияти тугатилган ва тақиқланган бундай ташкилотлар фаолиятини ғайриқонуний равишда тиклаш, учинчидан, бундай ташкилотлар фаолиятини амалга оширишда фаол қатнашишда намоён бўлади.

Зикр этилган хатти-ҳаракатлардан бирини содир этиш билан жиноят тугалланган ҳисобланиб, шахсни жавобгарликка тортишга асос бўлади.

Ғайриқонуний диний ташкилотларни қонунга хилоф равишда тузиш деганда мақсад ва вазифалари ҳамда фаолияти йўналишлари Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида тақиқланган, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мос келмайдиган ди-

ний ташкилотларни ташкил этиш тушунилади. Қонун ҳужжатларида белгиланган асослар тартибига риоя қилмасдан ташкил этиш эса мазкур диний ташкилотларни тузиш учун ташаббускор гуруҳни шакллантириш, ташкилотнинг низомини ишлаб чиқиш, таъсис мажлисини ўтказиш, мақсади, вазифаларини, фаолиятининг йўналишларини белгилаш, низом лойиҳасини муҳокама қилиш ва қабул қилиш, ташкилотнинг раҳбариятини сайлаш, раҳбарлар ўртасида вазифаларни тақсимлаш, ташкилот ички тузилмаларини ташкил этиш, ташкилот учун манзил танлаш, жой, бино топиш, молиявий манбаларини топиш, ташкилий ишларга кишиларни жалб қилиш, унинг мафкурасини тарғиб қилиш шакл, усулларни ва воситаларини белгилаб олиш қабилари қамраб олади.

¹ Бу ташкилотлар ҳақида қаранг: Ўзбекистон Республикасининг конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг қонунлари: «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида», «Сиёсий партиялар тўғрисида», «Нодавлат-нотижорат ташкилотлар тўғрисида», «Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида»/www.lex.uz

² Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 216-моддасида диний ташкилотлардан ташқари бошқа жамоат бирлашмаларини қонунга хилоф равишда тузганлик учун ҳам жавобгарлик белгиланган.



Мазкур хатти-ҳаракатлар, ташкилотнинг ташкил этилиши, мақсад, вазифалари, фаолиятнинг йўналишлари ғайриқонуний ва қонун билан тақиқланган бўлиши ҳамда ушбу тақиқланган хатти-ҳаракатларнинг содир этилганлиги жиноий жавобгарликка тортишга асос бўлади.

Қонун билан тақиқланган диний ташкилотнинг ташкил этилиши билан жиноят тугалланган ҳисобланади.

Диний ташкилотларни қонунга хилоф равишда тузиш жинояти билан бир қаторда Жиноят кодексининг 216-моддасида фаолияти тугатилган ва тақиқланган диний ташкилотни тиклаш учун жавобгарлик ҳам кўзда тутилган.

Бундай жиноятни содир этишда бирор шахсни айблаб уни жавобгарликка тортиш учун диний ташкилотнинг фаолиятини тугатиш ва тақиқлаш ҳақида суднинг қарори кучга киргандан сўнг диний ташкилот ўз фаолиятини қайтадан бошлаган бўлиши керак.

Бу ташкилотнинг мажлисини чақириш, унда ташкилотнинг келажакдаги вазифалари, фаоли-

ятининг асосий йўналишлари, режалари, стратегияси ва тактикаси, фаолияти шакл ва усуллари ни муҳокама қилиш ва тегишли қарорлар қабул қилиш, уларни амалга ошириш учун чора-тадбирлар кўриш, янги шароитда ташкилотни молиялаштириш манбаларини излаш, унга янги аъзолар жалб қилиш йўллари ни белгилаш каби-ларда намоён бўлади.

Юқорида зикр этилган хатти-ҳаракатлардан бирортасини содир этиш жиноятнинг тугалланганини англатади ва шахсни жавобгарликка тортишга асос бўлади.

Қонунга хилоф ҳолда ташкил этилган ёки қайта тикланган диний ташкилотлар фаолиятида фаол иштирок этиш ҳам жиноятнинг алоҳида кўриниши бўлиб шахснинг жиноий жавобгарликка тортилишига асос бўлади.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, шахс ғайриқонуний диний ташкилотни тузишда ёки унинг фаолиятини қайта тиклашда фаол иштирок этган тақдирда жавобгарликка тортилади.

Агар шахс оддий аъзо бўлиб, фаоллик кўрсатмаса Жиноят кодексининг 216-моддаси билан жавобгарликка тортилмайди. Диний ташкилот экстремистик, сепаратистик, фундаменталистик ёки бошқа тақиқланган ташкилот бўлиб, шахс унинг фаолиятида иштирок этса у Жиноят кодексининг 244²-моддасига биноан жавобгарликка тортилади³.

Қонунга хилоф ҳолда ташкил этилган ёки фаолияти қайта тикланган диний ташкилот фаолиятида фаол қатнашиш деганда ғайриқонуний диний ташкилотга, унинг тузилмаларига раҳбарлик қилиш, дастурлари ва режаларини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш, молиялаштиришда, ташкилот мафқураси ғояларини ташвиқот-тарғибот қилишда, ташкилотни бино, техник воситалар, транспорт билан таъминлашда қатнашиш, фаолияти тугатилган ва тақиқланган диний ташкилот фаолиятини тиклашга далолат қилиш, раҳбарлик қилиш, моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, шарт-шароит яратиш каби хатти-ҳаракатлар тушунилади.


Мазкур хатти-ҳаракатларнинг бирортасини содир этилиши жиноятни тугалланган деб ҳисоб-

лашга ва шахсни жиноий жавобгарликка тортишга асос бўлади.

Жиноятнинг бевосита объекти диний ташкилотларни ташкил этиш ва унинг фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатлар, унинг факультатив объекти жамиятнинг ахлоқий негизлари, давлат ва жамият хавфсизлиги, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари бўлиши мумкин.

Объектив томондан диний ташкилотларни қонунга хилоф равишда тузиш ёки бундай ташкилотлар фаолиятини тиклаш ёхуд улар фаолиятида фаол иштирок этиш жиноятлари жисмоний шахслар томонидан содир этилади.

³Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 244²-моддаси./lex.uz.



Субъектив томондан ушбу жиноий хатти-ҳаракатлар тўғри қасд билан содир этилади: жиноят содир этган шахслар ўзларининг хатти-ҳаракатлари ижтимоий хавфли, қонунга хилоф эканини билади, ўзининг хатти-ҳаракати натижасида салбий оқибатларнинг келиб чиқишини, юз бери-

шини хоҳлайди, истайди.

Мазкур жиноятларнинг субъекти ақли расо, ўн олти ёшга тўлган жисмоний шахслар – Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар, хорижий давлатларнинг фуқаролари бўлиши мумкин.

Жиноят иши жиноят судларида кўрилиб жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар, жиноят содир этишнинг роли ва ўрни, қайси босқичда иштирок этганлиги, шахси, содир этган хатти-ҳаракатидан пушаймонлиги ҳисобга олиниб, судланувчи кўйидаги жазолардан бирига тортилиши мумкин:

- Базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан юз бараваригача жарима;
- Икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш;
- Беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш⁴.

Юқорида баён қилинганларга хулоса сифатида шуни айтиш лозимки, диний ташкилотларни қонунга хилоф равишда тузиш, уларнинг фаолиятини тиклаш ва улар фаолиятида фаол иштирок этиш жамоат хавсизлигига жиддий таҳдид эканини аввало ўзимиз англаб етишимиз шарт. Шунингдек, аҳолимиз, биринчи навбатда ёшларимизда диний ташкилотларни қо-

нунга хилоф равишда тузиш, уларнинг фаолиятини қайта тиклаш ва улар фаолиятида фаол иштирок этиш жиноятига мурасасиз муносабатда бўлиш иммунитетини шакллантиришнинг ташкилий ва маънавий-маърифий чораларини кўриш давр талабидир.


Жўрабой ТОШҚУЛОВ,

Ўзбекистон халқаро ислом академияси
«Халқаро муносабатлар» кафедраси профессори

⁴Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 216-моддаси.//lex.uz

Энергетика:

тамойил, тажриба ва ислоҳотлар



Мамлакатимизда энергетика соҳасини модернизация қилиш, илғор хориж тажрибасини қўллаш, шунингдек, қайта тикланувчи энергия манбаларидан бўлмиш «яшил» энергетикани ривожлантириш бўйича яқин истиболда бизни нималар кутмоқда? Муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш ижтимоий-иқтисодий ва саноат соҳалари учун қанчалик самарали?

Бу каби саволларга тўхталишдан олдин жаҳоннинг етакчи мамлакатларида мазкур соҳада қўлга киритилган ютуқлар, илғор тажриба, электр энергиясининг нархи ва биз учун қизиқ бўлган бошқа масалаларга эътибор қаратсак.

«Eurostat & The U.S. Energy Information Administration» мустақил таҳлил компаниясининг маълумотларига кўра, дунёда энг арзон нархдаги электр энергиясини етказиб берувчи давлатлар рейтингда биринчи поғонани Ҳиндистон (1 кВт

нархи АҚШ доллари қийматида 0,1 цент), кейинги поғоналарни эса Кувейт, Баҳрайн, Саудия Арабистони, Эрон, Россия (2,4 цент), Нигерия, Украина ва Бангладеш (2,6 цент) эгаллаган бўлса, рейтингнинг 3-10 центгача бўлган поғонасидан АҚШ, Канада, БАА, Швеция, Македония, Сербия, Хитой каби давлатлар қатори Ўзбекистон ҳам ўрин эгаллаган.

Электр энергиясини энг қimmat нархларда истеъмол қилувчи давлатлар ўнталигини эса Сулаймон ороллари (93,5 цент), Тонга 47 цент, Ямайка ороллари (44,7 цент), Кук ороллари (42,4 цент) бошлаб беради.

Умуман олганда, буни тушуниш мумкин – оролларда электр энергиясидан фойдаланиш анчагина қимматга тушади.

Шунингдек, Европанинг Дания (40,38 цент), Германия (36,55 цент), Осиёнинг Филиппин давлатлари (36,13 цент) ҳам ушбу ўнталikka кирган.

Фарбий Европа мамлакатларида электр энергияси нархи нисбатан қиммат бўлса-да, уларда энергия бозорининг либерализация қилиниши ортидан истеъмолчиларнинг коммунал тўловларни тўлаши ёки бу билан боғлиқ муаммолар деярли ўз аҳамиятини йўқотган.

Масалан, Буюк Британия, Швеция, Финляндия, шунингдек Норвегия каби давлатларда истеъмолчилар электр энергиясидан фойланиш учун ўзлари истаган таъминотчи корхонани, яъни нарх-навоси бўйича унинг шахсий ёки оилавий бюджетига тўғри келадиганини танлаб олиши ёки уни бошқасига ўзгартириши мумкин. Бунинг учун биргина «смс» хабар юбориш kifоя. Қолган ҳужжатлаштириш, таъминотчини бошқасига алмаштириш билан боғлиқ жараёнларни таъминотчи корхона ўз бўйнига олади. Истеъмолчининг ортиқча сарф-харажат қилишига, вақтини кетказиб идорамидора юришига ҳожат қолмайди. Бундан ташқари, ушбу мамлакатларда амалга оширилган ислохотлардан яна бири энергия тежовчи маиший техника воситаларини ишлаб чиқарувчилар билан бир қаторда мижозларнинг бундай турдаги маҳсулотларни харид қилишни рағбатлантириш учун уларга давлат томонидан субсидия-

лар берилишидир. Шу мақсадда давлат бюджетидан алоҳида маблағ ҳам ажратилади.

Электр энергиясидан фойдаланишда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш ва татбиқ этишда Ўзбекистон қўшни давлатлардан илгарилаб кетган десак муболаға бўлмайди. Энергия ресурсларидан оқилона фойдаланишнинг дунё стандартларини жорий этиш бўйича ўтказилаётган ислохотларда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси органларига ҳам масъулиятли вазифалар юклатилган. Хусусан, бюро томонидан «Худудий электр тармоқлари» акционерлик жамияти билан ҳамкорликда тармоқ корхоналарида рентабелликни таъминлаш ҳамда аҳолининг

қабул қилиб олиб, энергиядан яна қанча фойдаланиши мумкинлигига оид маълумотларни ҳам билади. Яъни электр энергияси тўланган пулга яраша етказиб берилади, акс ҳолда «чироқ» автоматик тарзда ўчади. Бу орқали истеъмолчи билан таъминотчи ўртасидаги ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиш тизими йўлга қўйилиб, энергиянинг ортиқча сарфланиши олди олинади.

Хорижий давлатлар тажрибасига қайтсак. Дарҳақиқат, Европа давлатларида энергетика соҳасида амалга оширилаётган ислохотларнинг замирида биринчи навбатда истеъмолчи ҳуқуқлари, уларга қулай шароитлар яратиш, бозор иқтисодиёти шароитида таъминотчи корхонани эркин танлаш имконияти ётади. Ислохотларни



Ўзбекистонда биринчи атом электростанциясининг қурилиши Навоий вилоятида бошланиб, станцияни 2028 йилгача ишга тушириш режалаштирилган. Атом электр станцияси барпо этилиши натижасида йилига 3,7 миллиард куб метр табиий газнинг тежалишига эришилади. Бу манба қайта ишланиб, юқори қўшилган қийматли нефть-кимё маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилади.

энергия истеъмоли учун қарздорлигини бартараф этиш мақсадида электр энергияси сарфини назорат қилиш ва ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизими жорий этилмоқда. Бундай турдаги ҳисоблагичларнинг афзаллиги шундаки, истеъмолчи ўзи сарфлаган электр энергияси ҳақидаги маълумотларни «смс» тарзида

ўтказишда эса энг асосий ва зарурий талаблардан бири бозор муносабатлари шароитида тенг рақобатни яратиш, яъни энергия истеъмоли учун қўйиладиган нарх-навонинг шаффофлиги ҳамда барқарорлигини таъминлашдан иборатдир.

Аксарият мамлакатларда энергетика соҳасида амалга оширилаётган ислохотларнинг



бошида давлат туради. Агар давлат мазкур жараёндан четда турса, бу энергия ресурслари учун нарх-навонинг сунъий ўсишига олиб келиши мумкин.

Масалан, Буюк Британияда 2001 йилда энергетика соҳасида катта ислохотлар ўтказилиб, унда энергия ресурсларини истемолчиларга етказиб бериш бўйича хусусий энергетика компанияларининг бу жараёнларда қатнашишига имкон берилган. Натижада электр энергиясининг бозор нархи 30 фоиз пасайишига эришилган. Бироқ, Европанинг айрим йирик компаниялари томонидан электр энергияси бозорида нархларнинг сунъий синдирилиши оқибатида маҳаллий энергия таъминоти компаниялари рақобатга бардош бера олмай, фаолиятини тўхтатишга ёки ушбу компанияларга ўз акцияларини сотишга мажбур бўлишган. Бунинг натижасида соғлом рақобат мухити йўқолиб, электр энергиясининг монополизациясига олиб келган. Шундан сўнг 2003 йилда Буюк Британияда энергетика бозорини тартибга солувчи «Ofgem» мустақил бошқарув компанияси ташкил этилиб, энергетика соҳасида соғлом рақобат мухитини таъминлаш, инвестиция киритиш ва бошқа бир қатор функцияларни амалга ошириш унинг асосий вазифаси этиб белгиланди.

АҚШда энергетика соҳасини бошқариш тизими XIX асрнинг охирида кўчаларни ёритиш компаниялари, маиший ва саноат энергетикаси корхоналари фаолиятининг самарасиз яқун топиши оқибатида юзага келган. Энергетика соҳасида-

ги назоратни давлат томонидан амалга ошириш концепциясини биринчилардан бўлиб АҚШнинг «Edison Electric Light» компанияси (ҳозир унинг во-рисис General Electric корпорацияси ҳисобланади, корпорация бугунги кунда Ўзбекистон бозорида ҳам фаолият олиб бормоқда) ходими Самуэл Инсун ишлаб чиққан бўлиб, ушбу ҳуқуқий концепция тамойили бўйича бугунги кунга қадар энергетика тармоғини бошқариш ва нархнинг шаклланиши давлат томонидан назорат қилинмоқда. Бу эса энергетика компаниялари ўртасида соғлом рақобат мухитини яратди. 1898 йилда компаниянинг энергия учун тарифларни ўрнатиш ва хизмат кўрсатиш стандартлари давлат агентлари томонидан амалга оширилиши ҳақидаги таклифлари маъқулланиб, 1899 йилда конгресс томонидан қабул қилинган қонунга кўра, 33 штатда энергетика соҳасини назорат қилувчи агентликлар ташкил этилди.

АҚШда жуда кўп йирик гидророзлектр станциялари федерал ҳукумат эгалигида. Мамлакатда энергетика тармоғи 1935 йилда қабул қилинган асосий норматив ҳужжат - холдинг шаклидаги коммунал энергетика компаниялари ҳамда 1978 йилда қабул қилинган коммунал энергетика компанияларини бошқариш тўғрисидаги қонуналар билан тартибга солиб келинади.

АҚШда бугунги кунда 10 мингдан зиёд гидроэлектр станцияси ва миллион километрлик электрлиниялари мавжуд бўлиб, уларнинг умумий қиймати 800 млрд. АҚШ доллари-

га тенг. Шамол электр станциялари сони ва қуввати бўйича АҚШ фақатгина Хитойдан ортда қолмоқда, мамлакатда бундай электр станциялар 74,5 ГВт-лик электр энергиясини ишлаб чиқариш имкониятига эга.

Дунёнинг кўплаб мамлакатларида электр энергиясини ишлаб чиқаришда атом электростанцияларидан (АЭС) фойдаланилади. Масалан, Францияда АЭСнинг энергия ресурсларини ишлаб чиқаришдаги улуши 71,6 фоиз, Украинада 55,1 фоиз, Словакияда 54 фоиз, Финляндияда 33,2 фоиз, Жанубий Кореяда 27,1 фоиз, АҚШда 20 фоиз, Россияда эса 17,8 фоизга тенг.

Шу билан бирга, кўп давлатлар атом электр станцияларидан босқичма-босқич воз кечаётганини ҳам таъкидлаш жоиз. Масалан, Германия 2022 йили охириги АЭСини ёпади.

Мамлакатимизда энергетика соҳасидаги ислохотлар ҳам ривожланаётган мамлакатларда бўлгани каби ўзининг стратегиясига эга. Давлатимиз раҳбари 2018 йилнинг 10 июль куни мамлакатимизда атом энергетикасини яратиш масалаларига бағишланган йиғилишда республикада ишлаб чиқарилаётган электр энергиясининг 85 фоизи газ ва кўмирни ёқиш ҳисобига олиниши, бунинг учун 16,5 миллиард куб метр табиий газ, 86 минг тонна мазут ва 2,3 миллион тонна кўмир сарфланиши ҳақида таъкидлаб, жумладан шундай деган эди: «Агарда биз бу соҳа-

да кейинчалик ҳам кўмир ва газдан фойдаланадиган бўлсак, келажакда бизнинг захирамиз якунига етади. Бу эса келажак авлодлар олдида йўл кўйган кечирилмас хато ва жиноятимиз бўлади».

Шу сабабли Ўзбекистонда тинч мақсадларда фойдаланиш учун атом энергетикасини барпо этишга киришилиб, Россиянинг «Росатом» корпорацияси билан келишувга эришилди. Ўзбекистонда биринчи атом электростанциясининг қурилиши Навоий вилоятида бошланиб, станцияни 2028 йилгача ишга тушириш режалаштирилган. Атом электр станцияси барпо этилиши натижасида йилга 3,7 миллиард куб метр табиий газнинг тежалишига эришилади. Бу манба қайта ишланиб, юқори қўшилган қийматли нефть-кимё маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилади.

Давлатимиз раҳбари томонидан 2020 йилнинг 13 январидан ўтказилган йиғилишда ўтган йили мамлакатимизда 6 та йирик лойиҳа доирасида жами 1076 МВт электр энергия қувватлари ишга туширилгани, шунингдек тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳисобига 3 минг 500 МВт буғ-газ

қурилмалари, 400 МВт шамол ва шундай қувватга эга қуёш электр станциялари қуриш бўйича лойиҳалар шакллантирилгани алоҳида таъкидланиб, мутасаддиларга 8 минг МВт қувватига эга қуёш ва шамол электр станцияларини қуриш, гидроэлектр станциялари қувватини 1935 МВтга ошириш, кичик гидроэлектр станцияларини барпо этишни хусусий секторга бериш каби вазифалар белгилаб берилди.

Шуни айтиб ўтиш жоизки, давлатимиз раҳбари томонидан Ўзбекистонда энергиянинг қайта тикланадиган экологик тоза манбалари, аввало, қуёш ва шамол манбаларидан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилиши ҳозирги эскириб қолган энергетика инфратузилмасидан фойдаланишдан ва эски технологияларни эксплуатация қилишдан воз кечиш учун замин яратади.

Ўзбекистон қуёш нурига бой, доимий шамол эсадиган ҳудудлари кўп бўлган ва органик ёқилғиларнинг барча турларини ишлаб чиқариш ҳажмидан уч баробар ошадиган

катта миқдордаги қайта тикланадиган энергия салоҳиятига эга мамлакат. Бугунги кунда мамлакатимизда қайта тикланувчи «яшил» энергетикани ривожлантириш ишлари жадал олиб борилмоқда. Жумладан, Навоий вилоятида ноёб шамол электр станциясини қуриш учун Бирлашган Араб Амирликларининг «Masdar» компанияси 600 миллион долларлик сармоя киритди. Мазкур электр станцияси 400 МВт кучга эга бўлиб, 2022 йилда топширилиши режалаштирилган. Қорақалпоғистон Республикасининг Қоратоп ҳудудида 100 МВт қувватга эга шамол электр станциясини германиялик мутахассислар куради. Мазкур лойиҳаларни амалга оширишга эътибор қаратилган. Қорақалпоғистон Республикаси ва Навоий вилояти энергия тизимида ижобий ўзгаришлар бўлиши кутилмоқда. Бухоро вилоятининг Ғиждувон туманида эса Хитойнинг «Liaoning Leader» компанияси лойиҳа қиймати 1,8 миллиард АҚШ долларига баҳоланаётган, ишлаб чиқариш қуввати 1,5 минг МВтга тенг бўлган шамол электр станцияси қурилишини бошлаб юборган.

Мухтасар қилиб айтганда, муқобил энергетиканинг Ўзбекистонга кириб келиши ва уни ривожлантириш концепцияси мамлакат энергетика соҳасидаги янги қирраларни очиб бермоқда. Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни ривожлантириш бугунги кундаги энг устувор вазифалардан бири ҳисобланади. Зеро, бу сазой-ҳаракатлар давлатимизнинг дунёдаги ривожланаётган мамлакатлар қаторига қўшилишида асосий омил вазифасини ўтайди. Энг асосийси, аҳолини узлуксиз электр энергияси билан таъминлаш учун замин яратилади.

Мирзоҳид МИРАҲМЕДОВ,
МИБ ички хавфсизликни таъминлаш
бошқармаси бош инспектори



Истиқболда процессуал қонунчилигимизга кириб келиши кутилаётган ўзгаришлардан бири МДХ мамлакатларида кенг қўлланаётган келишув институтидир. Мазкур институт илк бор Британия судлов тизимида, кейинроқ АҚШда қўллана бошланди. 2017 йилгача федерал судларда қўрилган ишларнинг 97 фоизи келишув асосида ўз ечимини топган. Буюк Британияда бу кўрсаткич камроқ – 87 фоиз.

Англосаксон ҳуқуқ тизимида континентал ҳуқуқ тизимидан фарқли равишда ҳар қандай босқичда келишувга йўл қўйилади. Шу ўринда хориждаги келишув институтини миллий қонунчилигимиздаги ярашув институти билан алмаштирмаслик керак. Чунки ярашув институтида судланувчи ва жабранувчи ярашса, келишув институтида айбланувчи ва давлат тимсолидаги қонун ўртасидаги келишув тушунилади.

Айбни тан олиш юзасидан келишувнинг бош мақсади айбланувчининг содир этган жиноятига иқрорлиги асосида судда енгилроқ жазо тайин-

ланишига эришиш ва шу билан бирга қўплаб сансоларликка сабаб бўладиган суд жараёнларини қисқартиришга қаратилган.

Хориж олимлари айблов ва ҳимоя тарафи ўртасидаги келишувни тавсифлашда «plea», «plea bargain», «plea agreement» каби атамалардан фойдаланади. «Plea» сўзи инглиз тилида бирор нарса ҳақида сўраш, илтимос қилиш маъноларини англатади. Бироқ шу соҳани тадқиқ қилувчи олимлар кўпроқ «plea bargain», яъни айбни тан олиш юзасидан келишув иборасини кўпроқ ишлатади. Юқорида кўрсатилган учта ибора ҳам процессу-

ал амалиётда адолат билан келишув маъносини билдиради.

Шуни таъкидлаш жоизки, АҚШ судлов тизимида айбланувчининг айби исботланишининг бош шарти унинг ўз айбини тан олишидир. Англосаксон жиноят ишларининг юритувида исботлаш методлари кўпинча расмиятчиликни, катта маблағ ва вақтни талаб этиши билан Европа судларидан кескин фарқ қилади, айбланувчининг ўз айбини тан олиши кўп ҳолларда узоқ давом этадиган тергов ва суд босқичларини қисқартиришда самарали процессуал ҳаракат ҳисобланади.

Келишув институтининг камчиликлардан бири, айрим олимларнинг фикрича, тергов органларининг айбни ҳар қандай ҳолатда ҳам тан олдиришга интилиши натижасида айбсиз инсоннинг айбланувчига айланиб қолиши ва жиноятчининг жазосиз қолиб кетишида намоён бўлади. Бироқ келишув институтининг яхши томонларини ҳам санаб ўтган ва амалиётга татбиқ этиш лозимлигини айтган олимлар ҳам кам эмас.

Олимлар келишув институтининг яхши томони сифатида ўзаро зиддиятда бўлган тарафларнинг муносабатлари тез орада юмшаши, айбланувчи ёки судланувчининг айбини тан олишга тайёрлиги, судлов ва айблов органларининг вақт ва маблағи тежалишини айтишган.

Жиноят ишлари юритувида келишув институти кенг қўлланадиган АҚШ судлов тизими ва айблов органларида мазкур процессуал ҳаракатни жорий этиш механизмига назар солсак. АҚШ жиний судловнинг федерал қоидаларининг 11-моддасига кўра айбланувчи унга нисбатан айб эълон қилинганда айбга нисбатан ўзининг муносабатини билдириши лозим, яъни: айбини тан олиши, уни рад этиши, қўйилаётган айбловга эътироз билдирмаслиги мумкин. Айбланувчининг айбни тан олиши унинг ижтимоий хавfli қилмиш юзасидан суд муҳокамасидан воз кечганини билдиради ва у айблов органи билан келишув имзолаши мумкин. Мазкур келишув айбланувчига бир қанча юридик имтиёзларни беради, яъни айблов доираси қисқартирилади ёки ундан айрим эпизодлар чиқарилади, қонунда кўрсатилганидан ҳам енгилроқ жазо тайинланади.

Мазкур жараёнда судларнинг иштироки тақиқланади, бироқ келишув суд маслаҳатхонага киргунга қадар ҳар қандай босқичда тузилиши мумкин. Суд очик суд мажлисида айбланувчига унинг барча ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтиради, у имзолаётган келишув битими ихтиёрий тузилганига ишонч ҳосил қилиш учун саволлар беради, айбланувчига мазкур келишувни рад қилиши мумкинлигини тушунтиради ёки айбланувчига оид маълумотларни тўла ўрганиб чиқиш учун жиноят ишини кўришни қолдиради, шунингдек, томонлар тақдим этган далилларни тўлиқ текширади, яъни АҚШ судлов тизими келишувни автоматик тарзда қабул қилиб, у юзасидан бир хил хулоса чиқармайди.

Жаҳон жиноят ишлари амалиётида келишувнинг яна бир тури – целерант келишув институти ҳам Европанинг бир қатор давлатларида самарали қўллаб келинмоқда. Бундай келишувнинг ўзига хос томони шундаки, келишайтган айбланувчи айбига иқрор бўлиши шарт эмас, фақат унга чекланган жазо (масалан, Испанияда 6 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси) ёки муайян имтиёзлар берилади.



Жиноят ишларини қисқартирилган тартибда кўриш тажрибасини миллий қонунчиликка жорий этиш орқали фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини самарали ҳимоя қилиш замон талабидир. Фикримизча, бу борада бизга Германия ва Қозоғистон тажрибаси қўл келади.

Россия жиноят-процессуал қонунчилигида ҳам келишув институти мавжуд. Жиноят-процессуал кодексининг 40-бобида айбланувчи айбига иқрорлиги юзасидан ариза ва суд муҳокамасисиз ҳукм чиқариш юзасидан илтимоснома бериши мумкинлиги қайд этилган. Бундай ҳолатда суд тергов итказилмайди.

Ўзбекистон Президенти 2020 йил 24 январда Олий Мажлиса қилган мурожаатида суд-ҳуқуқ-соҳасидаги ислоҳотларга тўхталиб, соҳага доир қо-



нунлар ҳозирги кун талабига жавоб бермаслиги сабабли парламент олдига яқин йилларда Фуқаролик, Жиноят, Жиноят-процессуал, Жиноят-ижро, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларни янгидан қабул қилиш вазифасини қўйди.

Албатта, бу вазифа нафақат парламент, балки шу соҳада фаолият юритаётган юристларга ҳам катта масъулият юклайди.

Жиноят, жиноят-процессуал қонунчиликка киритиладиган ўзгаришларга қўйиладиган асосий талаблардан бири инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини самарали ҳимоя қиладиган кодексларни ишлаб чиқиш, процессуал жараёнларни қисқартириш ва соддалаштиришдан иборатдир.

Худди шундай ёндашувни биз Қозоғистон жиноят-процессуал қонунчилигига киритилган ўзгаришларда кузатишимиз мумкин. 2015 йил 1 январдан мазкур давлат жиноят-процессуал қонунчилигига келишув институти жорий этилди.

Қозоғистон Жиноят-процессуал кодексининг 612-моддаси 1-қисмига асосан айбига иқрорлик келишуви оғир, унча оғир бўлмаган ва ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят ишлари юзасидан қўлланиши белгиланган. ЖПКнинг 613-моддасига асосан бундай келишув:

- гумонланувчи, айбланувчи процессуал келишувга розилигини ихтиёрий баён этганида;
- гумонланувчи, айбланувчининг ишдаги унинг айбини тасдиқловчи далилларга, содир этган қилмишининг ижтимоий хавфлилигига, етказилган зарар миқдорига эътирози бўлмаса;
- жабрланувчи процессуал келишув тузилишига рози бўлганида тузилиши лозим.



Шу ерда юқорида баён этилган давлатлар, жумладан АҚШда айбланувчи ёки судланувчи томонидан айбига иқрорлик келишуви имзоланганда жабрланувчининг, фуқаровий даъвогарнинг манфаатлари қай даражада ҳимояланганига тўхталиб ўтсак. Мазкур давлатлар қонунчилигида келишув тузиш жараёнида жабрланувчи, фуқаровий даъвогарнинг манфаатлари акс эттирилмаган ва уларнинг розилиги ёки қаршилиги келишувни амалга оширишда деярли инobatга олинмайди. Жабрланувчига ва фуқаровий даъвогарга етказилган зарарни қоплаш чоралари ҳам мазкур келишув юзасидан чиқарилган суд ҳукмида ўз аксини топмайди.

Бироқ Қозоғистон қонунчилигига кўра келишув битими тузилишида жабрланувчи ёки фуқаровий даъвогарнинг фикри инobatга олинishi шарт.

Германия процессуал ҳуқуқи фани вакиллари келишув институтининг адолат меъёрларига зидлигини таъкидлашса-да, келишувда жабрланувчи ва фуқаровий даъвогарнинг фаол иштироки таъминланган тақдирдагида бундай келишув томонлар манфаатини ҳимоя қилишда устунликка эгаллигини тан олишади.

Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасида амалга ошириладиган ислохотлар мазкур соҳада тадқиқот олиб бораётган ҳуқуқшунослар олдига бир қанча вазифаларни қўйди. Жиноят, жиноят-процессуал қонунчилиги тизимида фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жиноят ишлари бўйича судгача ва суд жараёнида қонунийликни таъминлашга тўсқинлик қилувчи ҳуқуқий бўшлиқларни аниқлаш, халқаро амалиётда эътироф этилган ва инсон ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилиб келаётган ҳуқуқий институтларни жорий этиш шулар жумласидандир.

Жиноят ишларини қисқартирилган тартибда кўриш тажрибасини миллий қонунчиликка жорий этиш орқали фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини самарали ҳимоя қилиш замон талабидир. Фикримизча, бу борада бизга Германия ва Қозоғистон тажрибаси қўл келади.

Наргиза ШАРИПОВА,

Судьялар олий кенгаши қошидаги
Судьялар олий мактаби тингловчиси

«Адолат – қонун устуворлигида»

Ўзбекистон Республикаси Олий суди
Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси
билан ҳамкорликда суд-ҳуқуқ ислохотларини,
шунингдек, судлар фаолиятини оммавий ахборот
воситаларида ёритишни янада
такомиллаштириш мақсадида
«Адолат – қонун устуворлигида»
танловини эълон қилади.



Танловга республика миқёсидаги газета, журналларда чоп этилган, интернетда ёритилган, телевидение ва радиода берилган судлар тизимидаги ислохотларни ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тарғиб қилишга, аҳолининг бу борадаги ҳуқуқий саводхонлигини оширишга, жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга йўналирилган мақолалар, интернет материаллари, кўрсатувлар, эшиттиришлар қабул қилинади.

Мақолалар чоп этилган газета ва журналлар, интернет материаллари, кўрсатув ва эшиттиришлар ёзилган тасмалар Олий суд матбуот хизматида таҳририят, телевидение, радио ходимлари ёки муаллифлар томонидан тақдим қилиниши лозим. Танловда беш ва ундан ортиқ мақола, кўрсатув, эшиттириш ва интернет материаллари билан иштирок этиш мумкин. Тақдим этилган мақола, кўрсатув, эшиттириш ва интернет материалларига муаллифининг тўлиқ исм-фамилияси, иш жойи ва лавозими, телефон рақами ҳақидаги маълумотлар ҳамда паспорт нусхаси илова қилиниши шарт.

Танловга 2020 йил 1 январдан 15 ноябргача чоп этилган мақолалар,
интернет материаллари, кўрсатув ва эшиттиришлар қабул қилинади.

ТАНЛОВДА ҚУЙИДАГИ ЙЎНАЛИШЛАР БЎЙИЧА ҒОЛИБЛАР АНИҚЛАНАДИ:

1. «Телевидение ва радио йўналишида энг фаол журналист» (1, 2, 3-ўринлар);
2. «Босма ОАВ йўналишида энг фаол журналист» (1, 2, 3-ўринлар);
3. «Интернет-журналистика йўналишида энг фаол журналист» (1, 2, 3-ўринлар);
4. «Энг фаол судья ва суд ходими» (1, 2, 3-ўринлар);
5. «Энг фаол илмий ходим» (1, 2, 3-ўринлар).

Барча йўналишлар бўйича ғолиблар танлов рамзи, диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланади.

Мурожаат учун манзил: 100186, Тошкент шаҳри, Абдулла Қодирий кўчаси, 1-уй.

Телефон: (71) 239-02-43, электрон почта: matbuot@sud.uz .



Коронавирус пандемияси инсониятни жиддий синовдан ўтказмоқда. У дунё давлатларининг қатор нуқсонларини очиб ташлади. Хусусан, норасмий меҳнат бозорининг биз аввалдан билган ва билмаган салбий жиҳатлари бошқача ракурсда намоён бўлиб, аксарият мамлакатлар улар келтириб чиқарган муаммоларни бартараф этишга тайёр эмас экан.



Пандемиядан кейинги меҳнат бозори қандай бўлиши керак?

Афсуски, Ўзбекистонда ҳам норасмий секторда банд бўлганларнинг кўплиги (меҳнат қилаётган 13,5 миллион кишининг 60 фоизи, яъни 8,1 миллиони норасмий иш билан банд) карантин шароитида айрим масалаларни ҳал этишда ҳукуматни мушкул аҳволга солиб қўйгани сир эмас. Батафсилроқ тўхталадиган бўлсак, корона-

вирус пандемияси оқибатида юзага келган танг ҳолатда турли давлатлар ўз аҳолисини ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлашнинг ҳар хил усулларида фойдаланмоқда. Жумладан, айрим давлатлар (Япония, АҚШ) аҳолига ёки аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига пул тўлаяпти.

Ўзбекистонда эса карантин шароитида давлат томонидан аҳолининг моддий ёрдамга муҳтож қатламига тўғридан-тўғри пул тўлаш таклифи маъқулланмагани бир нечта омил:

энг аввало норасмий иш билан банд бўлганларнинг кўплиги карантин шароитида ҳақиқий ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламни аниқлаш имконини бермаслиги ёки жуда узоқ давом этадиган жараён эканлиги (бош вазир ўринбосари – иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Жамшид Қўчқоровнинг «Kup.uz» муҳбири билан сўхбати);

иккинчидан, мамлакатда норасмий сектор улушининг юқорилиги сабабли аҳоли қўлидаги пул юзасидан аниқ маълумот айтиш қийин бўлган вазиятда давлат томонидан тўғридан-тўғри пул тарқатиш қандай оқибатларга олиб келиши ҳақида иқтисодчиларнинг яқдил фикри мавжуд эмаслиги;

учинчидан, ушбу жараёнда коррупция авж олиши эҳтимоли юқорилиги билан боғлиқдир.

Шу сабабли муҳтожларга ҳукуматнинг қарори билан ташкил этилган «Саховат ва кўмак» жамғармаси орқали ёрдам бериш ҳақида тўхтамга келинди. Тўғри, оқибатли халқимизнинг бирдамлиги ва қувватли билан давлатимиз ушбу қийин дамларни ортда қолдиришидан умидвормиз. Бироқ шуни алоҳида қайд этиш лозимки, нафақат ўз фаолияти юзасидан расмий ҳисоб бермасдан, балки ходимлари билан ҳам норасмий муносабатга кириш орқали иқтисодиётнинг норасмий сектори имкониятларидан унумли фойдаланаётганлар бу каби иш услубидан онгли равишда воз кечиш вақти келганини тушуниб етишлари зарур.

Шу ўринда норасмий меҳнат бозорининг мамлакат иқтисодиётига салбий таъсири хусусида батафсил мулоҳаза юритсак. Маълумки, давлатнинг иқтисодий жиҳатдан бақувват бўлишида меҳнат унумдорлиги муҳим ўрин тутаети. Бундан бир қатор ривожланган мамлакатлар (Япония, Сингапур) мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Хусусан, Сингапурнинг биринчи бош вазири Ли

Куан Ю худди Сингапур сингари табиий захира-ларга эга бўлмаган Япония Иккинчи жаҳон урушидан кейин қандай қилиб ўзини тиклагани, мамлакатни қайта қургани ва қудратли давлатга айланганини кузата туриб қуйидаги хулосаларга келган эди.



Сингапурнинг биринчи бош вазири Ли Куан Ю.



Биринчи, (японлар) хоҳ ошпаз, хоҳ официант ёки меҳмонхона ходими бўлсин, уларнинг ўз ишидан ғурурланиши ва ўз вазифаларини бажаришда устунликка эришиш иштиёқи юқори маҳсулдорликни ҳамда нуқсонли маҳсулот ишлаб чиқариш эҳтимоли нолга яқинлигини таъминлайди.

Иккинчи, у Япониядан агар бошқа ресурслар мавжуд бўлмаса, инсон ресурсларини ривожлантириш кераклигини ўрганган.

Учинчи, (японлар) дунё бўйлаб рақобатлашиш учун ўз саноат тармоқларида энг илғор технологияларни жорий қилишга киришишди.

Тўртинчи, ҳар қандай корхонанинг асосий кучи унинг одамларига бориб тақалади. Шундай қилиб, улар умрбод ишлайдиган ишчиларига сармоя киритишди (гарчи Ли Куан Ю ушбу ёндашувга амал қилишга интилган бўлса-да, Сингапурда кўпгина трансмиллий компанияларнинг мавжудлиги (бир жойда) умрбод ишлаш имконини бермаслиги сабабли бу ёндашувдан воз кечишга мажбур бўлган).

Бешинчи, японларнинг жамоавий бирдамлиги, интизоми, меҳнатсеварлиги ва ўз миллати учун қурбон бўлишга тайёрлиги уларни улкан ва маҳсулдор кучга айлантирди.



Афсуски, ходимларнинг меҳнатга оид ҳуқуқлари писанд қилинмайдиган норасмий меҳнат бозори гуркираб яшнаган ҳар қандай давлатда меҳнат унумдорлиги ҳам паст бўлиши табиийдир. Дарҳақиқат, иш ва дам олиш вақтлари аниқ белгиланмаган, меҳнат таътили нималигини билмайдиган, барқарор иш ҳақига эга бўлмаган ва бошқа муаммолар гирдобиди қолган норасмий ходимнинг меҳнати самарали бўлиши мумкинми? Албатта йўқ. Дарвоқе, инсон ресурслари миллий бойликдир. Бу бугун биз Ўзбекистонни улар қа-

тирида кўришни истаётган Япония ва Сингапур каби ривожланган давлатларнинг хулосаси. Ушбу бойликдан тўғри фойдаланиш бошқа ресурслари бўлмаган юқоридаги мамлакатларни дунёнинг ривожланган давлатларига айлантирган бўлса, табиий ресурслар ва бошқа имкониятларга бой она юртимизни улардан-да юксакликка олиб чиқишига ишончимиз комил.

Ли Куан Ю Япония маҳсулдорлик маркази (JPC) асосчиси Кохей Гоши илгари сурган маҳсулдорликнинг уч тамойили, яъни (1) бандликни таъминлаш ва кенгайтириш; (2) ишчилар ва менежерлар ўртасидаги ҳамжиҳатликка асосланган муносабатлар ҳамда ўзаро маслаҳатлашувлар; шунингдек, (3) натижаларни адолатли тақсимлашга эътиборини қаратган эди. Мазкур тамойилларнинг моҳиятини барчамиз яхши тушунсак-да, учинчи тамойилга қисқача тўхталиб ўтиш жоиз. Натижаларни адолатли тақсимлаш мамлакатлар учун даромадларнинг тақсимланиши нуқтаи назаридан адолатли жамият куриш ҳамда иқтисодий тараққиётга салбий таъсир қиладиган можароларнинг олдини олиш имконини беради. Ҳақиқатан ҳам инсон ўз меҳнати муносиб баҳолалишини, даромадлар адолатли тақсимла-

нишини, меҳнатидан манфаат кўришни хоҳлайди. Ваҳоланки, норасмий меҳнат бозори авж олган жамиятда даромадларнинг адолатли тақсимланиши ҳақида гап-сўз бўлиши мумкин эмас. Чунки бу ерда энг камида давлатнинг манфаати оёқости қилинади.

Шу ўринда норасмий секторнинг меҳнат бозоридаги ҳақиқий улушини инobatга олган ҳолда айтиш мумкинки, бугун норасмий иш билан банд аҳолининг қатта қисмини меҳнат бозорида паст рақобатбардошликка эга бўлганлар, яъни ёшлар, пенсия ёшидагилар, тугалланмаган маълумотга эга бўлганлар ҳамда бирон-бир мутахассисликка эга бўлмаган шахслар ташкил этади. Шу муносабат билан коронавирус пандемиясидан кейин мазкур қатламнинг ижтимоий бандлиги муаммоси янада кескинлашишни инobatга олиб, норасмий меҳнат бозоридаги энг фаол

фаолият турларини аниқлаб, ушбу йўналишларни легаллаштириш чорасини кўриш жоиз. Норасмий меҳнат бозоридаги ҳар бир фаолият турига нисбатан имтиёзлар, энгилликлар тизими ҳамда жавобгарлик чоралари алоҳида-алоҳида татбиқ қилиниши зарур. Бунда бир тарафдан яширин иқтисодийнинг салмоғи камайишига эришилса, иккинчи тарафдан норасмий секторда банд бўлган аҳолининг фаолияти қонунийлаштирилиб, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли ҳақидаги реал кўрсаткичларни аниқлаш имконияти юзага келади.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, ҳозирги шароитда иқтисодийда норасмий сектор улушининг ортиши эҳтимоли жуда юқори. Бу, ўз навбатида, давлатимиз олдидаги муаммолар янада кўпайишига сабаб бўлади. Шу сабабли давлат изчил равишда самарали чоралар кўриши зарур.

Энг аввало, мақсадни тўғри қўйиш керак. Ҳукумат норасмий сектор улуши юқориликнинг сабабларини жиддий таҳлил қилиши шарт. Аниқроқ айтадиган бўлсак, норасмий сектор вакилларининг «тўғри йўл қолиб, эгри йўлни танлаш»га сабаб бўлаётган омилларни бартараф этиш ҳамда норасмий секторни расмий секторга айлантиришдаги олтин ўрталикни топиш асосий мақсадга айланиши лозим. Бунда норасмий иш билан бандлик даражаси деярли нолга тенг бўлган ривожланган давлатлар тажрибасини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Иккинчидан, норасмий секторнинг ҳар бир вакилини расмий секторга ўтказиш масаласига индивидуал ёндашиш механизмини жорий этиш керак.

Учинчидан, норасмий меҳнат бозорининг мамлакатимиз иқтисодийётига салбий таъсири оммавий ахборот воситаларида кун мавзусига айланиши лозим. Шу билан бирга жамоавий бирдамлик, интизом, меҳнатсеварлик бизни улкан ва маҳсулдор кучга айлантириши тарғиб қилиниши зарур.

Тўртинчидан, ходимларнинг иш ва дам олиш вақтларига риоя этмаслик нафақат уларнинг ҳуқуқларини бузиши, балки давлат ва жамият манфаатларига ҳам жиддий пўтур етказишини барча тоифадаги иш берувчиларга тушунтириш чоралари кўрилиши шарт.

Бешинчидан, пандемия шароитида ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланган масофавий иш усули пандемиядан кейин ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаслиги керак. Бу уйда туриб ишлашга эҳтиёжи юқори бўлганлар (ёш болали аёллар, ногиронлар ва бошқалар) учун қатор қўлайликлар туғдиради. Давлат масофавий иш усули расмий меҳнат бозорида мустаҳкам ўрин эгаллаши учун барча ҳуқуқий асосларни яратиши зарур.

Хулоса ўрнида шуни айтмоқчимизки, норасмий меҳнат бозори улушининг юқори даражада сақланиб қолишига безътибор бўлишимиз ўз оёғимизга ўзимиз тушов солишимиз билан баробардир. Бундай шароитда давлат ўз иқтисодийнинг истиқболини олдиндан кўра олиши амримаҳол. Мамлакатда расмий меҳнат бозори

мустаҳкам ўрин эгаллар экан, мавжуд рақамларнинг ишончилиги ҳам ортиб бораверади. Зеро, аниқ маълумотлар асосида қилинган ҳаракатдангина самарали натижалар кутиш мумкин.

Бобомурод АВАЗОВ,

ТДЮУ халқаро тижорат ҳуқуқи кафедраси ўқитувчиси,

Шоҳрух МИНГБОЕВ,

ТДЮУ 3-босқич талабаси



Сув ресурсларини муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асослари



Сув ресурсларини муҳофаза қилиш умумбашарий муаммолардан бири саналади. Сайёрамиздаги жами сув захирасининг 97,2 фоизи океанларда жамланган ва истеъмолга яроқсиздир. Чучук сув захирасининг 98 фоизи ерости сувлари ҳиссасига тўғри келади, шундан 1,47 фоизи қўлларда, 0,1 фоизи дарё ва сойларда жамланган бўлиб, одамзот фақат шу сувни истеъмол қилади, холос.

Сув танқислигининг асосий сабаби нафақат қишлоқ хўжалиги, саноат ва турмушда сув сарфининг ўсиб бораётгани ҳамда уни исроф қилиш, балки саноат корхоналари ва маиший турмушдан чиқаётган оқава сувларнинг етарлича тозаланмасдан дарё ва қўлларга ташланишидадир. Ушбу чиқиндилар орасида табиатда узоқ вақт парчаланмайдиган захарлар, радиоактив моддалар ва пластмассалар борки, улар бутун биосферани, шу жумладан, гидросферани ҳам ифлослантирувчи жиддий манбалар ҳисобланади.

Сув танқислигининг асосий сабабини қонунлардаги қатор камчилик ва бўшлиқлардан ҳам излаш мумкин, улар сув ресурсларини муҳофаза қилиш, сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли, сувнинг ҳисобини юритиш, сув хўжалиги иншоотларини шикастлантириш, улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш каби ҳолатларни келтириб чиқармоқда. Масалан, 2017 йилнинг 1 июлидан 2018 йилнинг 1 июлигача Ичимлик сувидан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекцияси водопровод, сув таъминоти ва канализация тармоқларига 7902 та истеъмолчи ноқонуний уланганини аниқлаган. Ушбу ҳолатлар бўйича инспекция томонидан давлат бошқаруви органларига 1620 та кўрсатма ва тақдимнома киритилган.

Ўзбекистонда фойдаланиладиган сув ресурсларининг 80 фоизи қўшни давлатлар ҳудудидан оқиб келиши, Амударё ва Сирдарё ҳавзаларида трансгегаравий сув ресурсларини тақсимлаш ва улардан фойдаланишда юзага келган муаммоларни инобатга оладиган бўлсак, сувдан самарали фойдаланишнинг ташкилий ва ҳуқуқий механизмини такомиллаштириш, сувдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, сувга хўжасизларча му-

носабатда бўлишнинг олдини олиш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш талаб этилади.

Сув ресурсларини муҳофаза қилиш бўйича мамлакатимизда бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. Хусусан, 2017 – 2018-йилларда Ўзбекистон президентининг аҳolini тоза сув билан таъминлаш соҳасида содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган бир қатор фармон ва қарорлари қабул қилинганини таъкидлаш ўринли. Шундай меъёрий ҳужжатлар сирасига «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ичимлик сувидан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекциясини ташкил этиш тўғрисида»ги (2017 йил 18



Рухсат этилмаган жойларга чиқинди ташлаганлик учун Австралияда жисмоний шахсларга 7500 доллар, Австрияда 90 евро, Ирландияда 5000 евро, Буюк Британияда 80 фунт стерлинг, Швейцарияда 1000 франк, Хитойда 50 юан, Сингапурда 1000 доллар жарима солинади.

апрель), «Сув таъминоти ва сув чиқариш хизмати кўрсатиш соҳасида тўлов интизомини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2017 йил 16 ноябрь) фармонлар, «Сув объектларини муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2017 йил 25 сентябрь), «2017 – 2021-йилларда ичимлик суви таъминоти ва канализация тизим-



ларини комплекс ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш дастури тўғрисида»ги (2017 йил 18 апрель), «Маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2018 йил 18 май) қарорларни кўрсатиш мумкин.

Хусусан, «2017 – 2021-йилларда ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимларини комплекс ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш дастури тўғрисида»ги қарорда аҳолини сув билан таъминлашни яхшилаш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш, сув олиш, канализация иншоотлари ҳамда водопровод тармоқларини қуриш, уларни замонавий ускуналар, машиналар, механизмлар, таъмирлаш-фойдаланиш ва ўлчов техникаси билан жиҳозлаш, сув таъминоти соҳасида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, белгиланган талабларга мувофиқ сувнинг сифатли бўлишини таъминлаш устувор йўналишлар этиб белгиланди.

Дарё ўзанлари, кўллар, сувни муҳофаза қилиш зоналари, каналлар, коллекторлар ва бошқа сув объектларидан қум ва шағалнинг назоратсиз қазиб олинishi дарё тубларининг ювилиб кетишига, қирғоқларнинг ўпирилишига сабаб бўлмоқда, бу, ўз навбатида, фуқароларнинг ҳаёти, соғлиғи ва мулкига, шунингдек, атроф муҳитга зарар етиши учун шароит яратмоқда. Масалан, 2017 йилда 228 та шундай ҳолат аниқланган ва прокуратура органлари томонидан жиноят иши қўзғатилган.

Бундан ташқари, сувни етказиб бериш, сарфлаш ва истеъмол қилишни ҳисобга олиш тизимининг мавжуд эмаслиги, водопровод ва канализация тармоқлари, сув таъминоти объектларининг эскирганлиги, уларни янгилаш ва модернизация қилиш суръатининг пастлиги аҳолини сув билан барқарор таъминлаш масаласини хавфга қўймоқда, сувнинг исроф қилинишига олиб келмоқда. Шу муносабат билан Ўзбекистон президентининг 2017 йил 16 ноябрдаги «Сув таъми-

ноти ва сув чиқариш хизмати кўрсатиш соҳасида тўлов интизомини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони билан Бош прокуратура хузуридаги Мажбурий ижро бюросига сувдан ноқонуний фойдаланиш, водопровод ва канализация тармоқларига ўзбошимчалик билан уланиш ҳолатларини аниқлаш, баргараф этиш ва олдини олиш, сув учун тўловларни ўз вақтида ва тўлиқ ундириш вазифаси юклатилди.

Ўзбекистон президентининг юқорида зикр этилган фармон ва қарорларида аҳолининг сувга бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, сувни муҳофаза қилиш, ундан фойдаланиш жараёнида содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш вазифалари белгиланган бўлиб, улар Жиноят кодекси, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс, «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги, «Чиқиндилар тўғрисида»ги ва яна бир қатор қонунларни такомиллаштиришни талаб этади.

Шуни айтиш керакки, сувни муҳофаза қилиш зоналарида ва қирғоқбўйи минтақаларида канализация-тозалаш иншоотлари ва оқава сув тўпланадиган иншоотларни қуриш тақиқланган бўлса-да, ўзбошимчалик билан қурилган объект ва иншоотлардан дарё ва сой ўзанларига маиший ва бошқа чиқиндилар, шу жумладан оқава сувлар ташланмоқда. Бунинг оқибатида атроф муҳит ифлосланаёпти, инсонларнинг ҳаёти ва соғлиғига хавф солинмоқда. Масалан, Тошкент шаҳрининг Юнусobod, Мирзо Улуғбек, Яшнобод, Миробод, Яккасарой ва Сергели туманларидан оқиб ўтадиган Салор, Каттатолариқ ва Қорасув каналларининг муҳофаза зонасида ўзбошимчалик билан 25 та ҳожатхона қурилган. Турли объектлардан каналларга оқава сув ташлаб қўйилган 150 та ҳолат аниқланган. Шундан келиб чиққан ҳолда МЖТКнинг 82-моддасининг санкциясида давлат қўриқхонаси режимини бузганлик учун фуқаролар ва мансабдор шахсларга солинадиган жарима жазосини кучайтириш мақсадга мувофиқ.

Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан олиб борилган мониторинг натижаларининг кўрсатишича, чиқиндиларни майдонлар, кўчалар, ариқларга, сувни муҳофаза қилиш зоналарига, дарё бўйларига ташлаб кетиш оқибатида аҳоли пунктларида санитар ва экологик ҳолат ёмонлашмоқда.

Масалан, 2018 йилнинг 1 июнида 13,1 мингта чиқиндини белгиланмаган жойларга ноқонуний ташлаш факти аниқланган.

Хориж тажрибасини ўрганиш шуни кўрсатадики, рухсат этилмаган жойларга чиқинди ташлаганлик учун Австралияда жисмоний шахсларга 7500 доллар, Австрияда 90 евро, Ирландияда 5000 евро, Буюк Британияда 80 фунт стерлинг, Швейцарияда 1000 франк, Хитойда 50 юан, Сингапурда 1000 доллар жарима солинади. Шунинг учун «Чиқиндилар тўғрисида»ги қонуннинг 2-моддасини «чиқиндиларнинг ҳисобини юритиш ва назорат қилиш, чиқиндиларни кўмиб ташлаш ва утилизация қилиш жойларининг давлат кадастрини юритиш» деган қўшимча билан тўлдириш лозим.



Сув ресурсларини ҳуқуқий муҳофаза қилишда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ичимлик сувидан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекцияси муҳим роль ўйнайди. Ўзбекистон президентининг 2017 йил 18 апрелдаги 5018-фармонида асосан инспекциянинг асосий вазифаси сифатида ичимлик сувини оқилона ва самарали ишлаб чиқариш, етказиб бериш ва реалзация қилиш, канализация ва оқава сувларни тозалашга доир норматив ҳужжатлар талабларига риоя этиш, сув таъминоти ва канализация тизимига ўзбошимчалик билан уланиб олишга йўл

қўймаслик, кудуқларнинг ҳолати ва уларнинг ишлатилиши юзасидан давлат назоратини амалга ошириш белгиланди.


Сув ресурсларини ҳуқуқий муҳофаза қилишда Молия вазирлиги ҳузуридаги «Соф ичимлик суви» жамғармаси муҳим аҳамият касб этади. Ушбу жамғарма лойиҳа-қидирув ишлари ва ичимлик сув таъминоти ва канализация тизими объектларини қуриш ва реконструкция қилишни молиялаштиради. Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар, халқаро молия ташкилотларининг имтиёзли кредитлари, халқаро донорларнинг грантлари, эҳсон қилинган пуллар, Қорақалпоғистон, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бюджетининг маблағлари, жамғарманинг вақтинча бўш маблағларини жойлаштиришдан олинadиган

даромадлар ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа тушумлар жамғармани шакллантириш манбалари ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, сув ресурсларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш бўйича бугунги кунда амалга оширилаётган чора-тадбирлар аҳолининг сувга бўлган эҳтиёжини тўла таъминлаш, мамлакатимизда сув таъминоти тизимини тубдан яхшилаш, аҳоли учун янада қулай турмуш шароитини яратишга хизмат қилади.

Ҳасан ҲАЙИТОВ,
ТДЮУ мустақил тадқиқотчиси,
юридик фанлар номзоди

Экологик бошқарув МОҲИЯТИ



Ҳозирги кунда дунё ҳамжамиятини табиий экотизимнинг емирилиши, биологик хилма-хилликнинг кескин қисқариши, глобал иқлим ўзгаришлари, атроф-муҳит ифлосланишининг аҳоли саломатлигига салбий таъсири каби экологик муаммолар жиддий ташвишга солиб келмоқда. Бу каби муаммолар экология соҳасини давлат сиёсати даражасига кўтариб, давлат бошқарувининг алоҳида тизими – экологик бошқарувнинг вужудга келишига сабаб бўлди.

Ўзбекистон собиқ тузумдан оғир экологик муаммоларни ҳам мерос қилиб олди. Бу шўролар ҳукуматининг ишлаб чиқариш ва табиатдан фойдаланишда экстенсив ёндашувга асосланган иқтисодий сиёсатининг оқибатларидан бири эди.

Мустақиллик йилларида республикада экология ва атроф-муҳит муҳофазасига доир катта ишлар амалга оширилди ва қисқа муддатда жаҳон тажрибаси, замонавий фан ва технологияларга асосланган мукамал экологик бошқарув тизими ташкил этилди.

Экология соҳасида давлат бошқарувининг асосий вазифалари сифатида:

- экологик фаолиятни оқилona ташкиллаштиришнинг қонуний-ҳуқуқий асосларини шакллантириш;
- экология соҳасидаги давлат бошқарув органлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш;
- халқаро экологик сиёсий муносабатларда инвестиция, ахборот, тажриба алмашишни кучайтириш;
- аҳолининг экологик онги ва маданиятини ривожлантиришда давлат бошқарув органларининг ролини ошириш белгиланди.

Экология соҳасида давлат бошқаруви деганда ваколатли давлат органларининг табиий ресурслардан фойдаланиш ва атроф табиий муҳитни муҳофаза этиш бўйича ижро ва фармойиш бериш фаолиятини тушуниш мумкин.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, экологик бошқарув тушунчаси кенг ва кўп қирралидир. Адабиётларда унинг бир неча даражаси фарқланади: чунончи, глобал экологик бошқарув – бутун Ер қуррасида атроф табиий муҳитни муҳофаза қи-



лиш; минтақавий экологик бошқарув – муайян минтақадаги экологик бошқарув; миллий бошқарув – алоҳида давлатларда атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги бошқарув муносабатларини назарда тутати (*Нигматов А.Н.*

Ўзбекистон Республикасининг экология ҳуқуқи. Дарслик.–Тошкент: ТДЮИ, 2004.– 78-б).

Давлатнинг экологик бошқаруви қонун нормалари асосида ваколат берилган давлат органлари томонидан амалга оширилади. Ҳар бир давлат ор-

гани ўзига юклатилган вазифа ва функциялар доирасида иш олиб боради. Қонунчиликда экология соҳасида давлат бошқарувини амалга оширадиган органлар умумий ва махсус ваколатга эга бўлган органларга бўлинади.

Умум ваколатли давлат органлари:

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси;
- Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши;
- Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари.

Махсус ваколатли давлат органлари:

- Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси;
- Соғлиқни сақлаш вазирлиги;
- Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ер қазрини геологик ўрганиш, саноатда, қончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси;
- Ички ишлар вазирлиги;
- Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги;
- Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси;
- Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси.

Булардан ташқари прокуратура, адлия органлари ва судлар ҳам экологик қонунлар ижросини таъминлашда кўмаклашадилар. Бу органлар атроф-муҳит муҳофазаси билан бевосита шуғулланмасалар-да, бу вазифани прокуратура органлари экологик қонунлар ижросини назорат қилиш орқали, суд органлари эса шу тоифадаги ишлар бўйича одил судловни амалга ошириш орқали бажаради.

Ўзбекистон Республикасининг «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунда экология соҳасида давлат бошқаруви ҳақида сўз борганда, фақатгина ваколатли давлат идоралари келтириб ўтилган. Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикаси президентининг ҳам экология соҳасидаги ваколатлари анча кенг. Профессор Й.Жўраевнинг таъкидлашича, Ўзбекистон қонунчилигида президентнинг табиий ресурс-

лардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасидаги аниқ ваколатлари кўзда тутилмаган бўлса-да, у бундай ваколатларга эга ва бу Ўзбекистон Республикаси конституциясининг 93-моддаси мазмунидан англашилади (*Жураев Ю.А. Право и управление в области использования и охраны природной среды Республики Узбекистан: Автореф. дис. ... д-ра юрид. наук. – М.: Инс. гос. и право РАН, 1996. – С. 43.*)

Шунингдек, демократик-хуқуқий давлатда барча ижтимоий муносабатлар қатори, экологик муносабатларнинг бажарилиши ва тартибга солиниши нафақат давлат органлари, балки жамоат бирлашмалари ва нодавлат ташкилотлар томонидан ҳам амалга оширилади. Шундан келиб чиқиб, «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунда белгиланган экология соҳасидаги махсус ваколатли субъектлар қаторига жамоат бирлашмалари ва нодавлат ташкилотларни ҳам киритиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Биз юқорида кўриб ўтган экология соҳасидаги махсус ваколатли давлат органлари ичида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари алоҳида ўрин тутди.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг экология соҳасидаги вазифа ва функциялари Ўзбекистон Республикаси конституциясининг 100-моддаси, «Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тўғрисида»ги

қонуннинг 10, 24 ва 25-моддалари, «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 10-моддаси ҳамда «Экологик назорат тўғрисида»ги қонуннинг 12-моддасида ва бошқа қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган. Ҳар бир ҳудуднинг экологик ҳолатидан келиб чиқиб, табиий ресурслардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш бўйича қўшимча тартиб-қоидаларни белгиловчи орган мазкур ҳудуднинг маҳаллий давлат ҳокимияти органи ҳисобланади.

Атроф-муҳит муҳофазаси билан боғлиқ қонунчиликни такомиллаштириш бугунги куннинг долзарб вазифалари-

дан бири бўлиб қолмоқда. Шунингдек, экология соҳасини тартибга солувчи норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг керагидан ортиқ даражада кўплиги турли тушунмовчиликларни келтириб чиқармоқда.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатида айнан экология соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштириш зарурлигига алоҳида урғу берилиб, 2020 йилнинг 1 октябрига қадар Экология кодексини ишлаб чиқиш зарурлиги айтиб ўтилди. Ҳозир Экология кодексини ишлаб чиқиш бўйича махсус гуруҳ фаолият олиб бормоқда.



Янги кодекс бўйича шунга тавсия қилишимиз мумкин:

✓ маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг экология соҳасидаги фаолиятини такомиллаштириш ва ваколатларини кенгайтириш лозим. Чунки ҳар бир ҳудуддаги экологик вазият ва ҳолат бўйича бевосита хабардор бўладиган орган шу ҳудуднинг маҳаллий давлат ҳокимияти ҳисобланади. Шу сабабли маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ўз ҳудудида экологик барқарорликни таъминлаш мақсадида ҳар йили «Экологик ривожлантириш концепцияси»ни ишлаб чиқиши мақсадга мувофиқ;

✓ янги кодексда экология соҳасидаги ваколатли органлар тоифасини аниқ қилиб белгилаш, шунингдек, ушбу органларнинг экология соҳасидаги асосий вазифа ва функцияларини аниқлаштирувчи нормаларни киритиш лозим.

Зафаржон РАҲМОНОВ,
ТДЮУ магистратураси талабаси



Қиммат паштет

Бугун кечки овқатга нима хар қилсам экан?..

Пан Михл хар доимгидай дўкон пештахтаси олдида узоқ ўйлаиб қолди: «Дудланган бирон нима олсаммикан яна?.. Дудланган таомлар бўғин касаллигини келтириб чиқаради... Пишлоқ билан банан олсам-чи? Йўқ, кечаям пишлоқ олган эдим. Ҳадеб бир хил нарса еявериб зарарли дейишади. Пишлоқ эрталабгача ошқозонингда ҳазм бўлмай турганини шундоқ сезиб турасан. Худойим-ей, одам овқатланмаса нима қилар экан-а?».

– Танлаб бўлдингизми?– дудланган гўшт нимтасини қоғозга ўраётган сотувчининг саволи унинг ўйларини тўзғитиб юборди.

Энгилгина чўчиб тушган пан Михл беихтиёр ютиниб қўйди.

Ҳа, албатта, бирон нимани танлаш керак.

– Марҳамат қилиб менга... паштетдан берсангиз, – ғўлдирди у сўлагини ютиб. Албатта-да, унга кераги шу. – Паштет! – қатъий оҳангда такрорлади.

– Паштетми, марҳамат, – деди меъдага тегадиган бир оҳангда сотувчи. – Праганики, Страсбургники, кўзиқорин таъмлиси, жигар ва ғоз гўшtidан тайёрланганидан бор, қанақасидан берай?

– Страсбургникидан, – ҳеч иккиланмай танлади пан Михл.

– Бодрингдан ҳамми?

– Ҳа... бодринг ҳам беринг, – деди у сотувчининг сазасини ўлдирмай. – Ва яна бўлка нон ҳам. – Пан Михл яна нимадир оладигандай пештахталарга кўз югуртириб чиқди.

– Яна нимадир оласизми? – сўради тек қотганча қулоғини динг қилиб турган сотувчи.

Пан Михл «таассуфлар бўлсинки, мен оладиган бошқа нарса сизда йўқ, безовта бўлманг» дегандай энгил бош силкиб қўйди. Сўнг:

– Йўқ, бўлди, – деди овозини кўтариб. – Қанча беришим керак?

Сотувчи қизил консерва банқасидаги паштетнинг нархини айтганида пан Михлнинг озроқ мазаси қочди.

«Худойим-ей, бунча ҳам қиммат бўлмаса», – деб қўярди у музтаргина бўлиб уйи томон кетар экан.

«Кўришиб турибди, паштет асл Страсбургники. Умримда бунқақасини татиб кўрмаганман. Тўғрисиям-да. Лекин нарх қўйишда инсоф қилишмапти. На чора, кўн-

гил қургур ҳар замонда шунақа паштетларниям тусар экан-да, — ўзини ўзи юпатарди пан Михл. — Албатта, ҳаммасини бир ўтиришда еб қўйишим шарт эмас. Боз устига паштет — ҳазми оғир таом. Ундан эртанги кунгаям олиб қўяман».

— Эман, сен ҳозир кечки овқатга нима олиб келганимни тасаввур ҳам қилолмайсан, — деди пан Михл эшигидан кирар экан, завқи тошиб.

Мушук Эман думини силкиб миёвлаб қўйди.

— Оббо ярамас-ей, — деди унга қараб пан Михл, — ҳали сен ҳам Страсбург паштетидан тотмоқчимисан, а? Йўқ, оғайни, бунақаси кетмайди. Бу паштет — қиммат егулик, ўзим ҳам умримда бунақасини еб кўрмаганман. Страсбург паштети, мен сенга айтсам, фақат шинавандалар учун. Майли, хафа бўлмаслигинг учун ҳидлаб кўришингга рухсат бераман.

Пан Михл паштет идишини ликопчага қўйиб, уни осонгина очгач, кечки газетани қўлига олди ва тантанавор бир кайфиятда овқатлангани ўтирди. Мушук эса одатига кўра столга сакраб чиқди. Думини йиғиб, егуликнинг лаззатини олдиндан тўйиб ҳузурланганидан, тирноқларини дастурхонга ботириб кута бошлади.

— Фақат искаб кўришингга, — такрорлади пан Михл санчқига паштетдан кичкина бўлагини олиб. — Унинг ҳиди қанақа бўлишини билиб қўйишинг учун. Ма.

Эман мўйловларини қисиб, эҳтиёткорлик билан, ҳадиксиратган қўйи уни искаб кўрди.

— Нима? Ёқмадимми? — аччиқланди пан Михл. — Шундай қиммат паштет ёқмаганмиш, ҳаҳ, нодон!

Мушук тумшугини жийириб, паштетни искашда давом этди.

Пан Михл бундан бироз хавотирга тушиб, ўзи ҳам паштетни ҳидлаб кўрди.

— Ҳиди ёқимли. Эман, сен яхшилаб искаб кўр. Бу жуда ажойиб ифोर, тентак.

Эман панжаларини чалиштириб, яна тирноқларини дастурхонга ботира бошлади.

— Бир бўлак ейсанми?

Мушук безовталангандай думини гажак қилиб, бўғиқ миёвлаб қўйди.

— Нима? Бу нимаси? — бақириб юборди пан Михл. — Паштет айби қолган демоқчимисан?

У яна ҳидлаб кўрди, лекин ҳеч нимани сезмади.

«Ким билсин, мушуклар ҳидни одамдан яхшироқ сезади дейишади. Паштетда эса ҳалиги, нимаиди... ботулин бўлиши мумкин. Бениҳоя кучли заҳар, Худо сақласин. Ҳидсиз, таъмсиз, заҳарланганини билмай ҳам қолади одам».

Пан Михл юрагининг пастроғида нимадир ёқимсиз сиқилганини сезди. «Худого шукур, оғзимга бир луқмаям солмабман. Афтидан, мушук бу паштетнинг бир балоси борлигини ҳидидан билди ёки инстинкти иш берди. Яхшиси, уни емай қўя қоламан, эссиз шунча пўл...».

— Эман, мени эшит, — мушугига қараб гапира бошлади пан Михл. — Сенга бундан еб кўришга бераман. Бу энг қиммат, лекин жуда тез бузиладиган асл Страсбург паштети. Сенам яхши нарсалардан татиб кўришинг керак-ку, тўғрими? — у бурчақдан мушукнинг товоғини олиб, унга паштет бўлагини солди. — Пиш-пиш-пиш, Эман, кел бўёққа!

Мушук столдан сакраб тушиб, думини сермаганча, шошилмай товоқчасига яқинлашди. Чўқалаб, эҳтиёткорлик билан таомни ҳидлаб кўрди.

«Емади, — баттар ваҳима босди пан Михл, — айниган экан».

Эман худди бир нимадан ҳадиғи бордай думини бироз дик-

кайтиб, паштет бўлагини оз-оздан чайнаб юта бошлади.

— Ана, бўларкан-ку, — энгилтин олди пан Михл, — бу ишинг дуруст бўлди.

Паштетни еб бўлиб, панжалари билан мўйловини, бошини «юва бошлаган» мушукни пан Михл синчковлик билан кузатиб турди. «Ана, унга ҳеч нима қилмади, заҳарланмапти».

— Хўш, қалай? — деди у ҳомийларча. — Мазали эканми? Оббо, ярамас-ей!

Хотиржам тортиб дастурхон бошига келди.

Ростанам, шундай қиммат паштет қанақасига ёмон чиқиши мумкин? У ликопчага эгилиб, таомнинг ёқимли ҳидидан симирди. Ҳузурланганидан кўзлари юмилиб кетди. Ҳаятда хушбўй...

«Эҳтимол, ботулиндан заҳарланишининг аломатлари дарров сезилмас? — қутилмаганда миясига ялт этиб шу фикр келди. — Бохабар бўлиб туриш керак, Эманда безовталиқ бошланиб қолса...».

Пан Михл ликопчани нари суриб, энциклопедиянинг Б ҳарфидан бошланадиган томини қидиришга турди. «Б... ботулизм ёки аллантиазис... аломатлари йигирма тўрт, баъзи ҳолатларда ўттиз олти соатдан кейин аён бўлади (ларьнати!)... Белгилари: кўз мушакларининг фалажланиши, кўриш қобилиятининг йўқолиши, томоқ қуриши, шиллиқ парданинг қизариши, сўлак ажралишининг йўқолиши (пан Михл беихтиёр ютиниб олди), овознинг хириллаши, ич қотиши; оғир кўринишларида — томир тортишиш, фалажлик ва ўлим кузатилади (саммиий ташаккурим!)».

Негадир пан Михлнинг иштаҳаси бўғилди, паштетни тоқчага беркитиб, бўлка нонга бодринг қўшиб кавшашга тушди.

«Шўрлик Эман, — ўйлади у, — ақлсиз жонивор, айниган паштет-

ни ўйламай паққос туширди, мана энди итдай ўлиб кетади».

Юраги ачиб, мушукни тиззасига олди.

Эман кўзларини хуррамона юмганича зўр бериб хуриллар, пан Михл эса тек қотиб уни хавотир ва пушаснода билан силаб ўтирар, шу аснода ҳали ўқишга улгурмаган газетга ҳам кўз ташлаб қўярди.

«Эҳтимол эртагача жони узилар, майли, эркалана қолсин» дея пан Михл кечаси мушугини ўзи билан олиб ётди. Тун бўйи унинг кўзи илинмади, тез-тез туриб мушукнинг ҳолидан хабар олиб турди. Аҳволи яхшига ўхшайди. Тумшуги ҳам муздай. Ҳар сафар ушлаб қўрганида мушук билинар-билинмас хуриллаб қўярди.

– Кўрдингми, – деди эрталаб пан Михл, – паштет айнамаган экан, тўғрими? Энди уни кечга бориб ўзим ейман. Жилла қурса, унинг нима эканини билиб қўйишим учун. Умрининг охиригача шунақа паштет билан оқар экан деб хомтама бўлиб юрма тагин.

Мушук оғзини катта очиб майин ва бироз хирилдоқ овозда миёвлаб қўйди.

– Шошма-чи, – деди пан Михл хушёр тортиб, – сен хирилляпсанми? Кўзингни кўрсат қани менга.

Мушукнинг тилларанг кўзлари эгасига ҳаракатсиздай туюлди.

«Кўз мушаклари фалажланиб қолдимикан? – ваҳимага тушди пан Михл. – Бахтимдан айланай, яхшиям анави паштетдан еб кўрмаганим. Лекин тўғриси, ҳиди жуда даҳшат эди!».

Пан Михл кечқурун уйига келганида мушук хуриллаб унинг оёқларига узоқ сўйкалди.

– Ҳўш, – деди пан Михл, – аҳволлар қалай? Кўзингни кўрсат-чи.

Эман думини силкитган қўйи згасига тилларанг-қора кўзларини тикди.

– Бари ортда қолди дейишга ҳали бор, – деди насихатомуз пан

Михл. – Баъзан заҳарланиш аломатлари ўттиз олти соатдан кейин аён бўлиши ҳам мумкин, тушундинг? Ичинг келиши қандай, қотмаептимми?

Мушук яна унинг оёқларига сўйкалди ва хириллаган товушда миёвлаб қўйди. Пан Михл паштетни столга, газета билан ёнма-ён қўйди. Сўнг жойлашиб ўтирди. Эман стол устига сакраб чиқиб, тирноқларини дастурхонга ботирган қўйи оғирлигини гоҳ у, гоҳ бу оёғига ташлай бошлади.

Пан Михл паштетни хидлаб кўрди: ҳиди ёқимли, лекин, жин ургур, нима деса бўлади, кечагидан сал бошқачароқдай эди.

– Бир искаб кўрмайсанми, Эманча, – деди пан Михл, – яхши паштетмикан?

Мушук калта тумшугини консерва банкасига яқинлаштириб, уни чўчинқирагандай бўлиб искади.

Пан Михлни яна ваҳима босди. «Эҳтимол, бу лаънати паштетни ташлаб юбориш керақдир? Мушук сезаяпти, паштетда аниқ бир гал бор. Йўқ, уни емайман. Заҳарланиб ўлишим қолувди ўзи. Ташлаб юбораман, тамом-вассалом».

Пан Михл деразадан қараб, консерва банкасини отишга жой мўлжаллай бошлади. Ҳув ана, қўшни ҳовлидаги ақациянинг тагига...

«Паштетга барибир ичим ачяпти, – ўйланиб қолди пан Михл, – фалон пуллик нарса... Ҳақиқий Страсбургники. Бунақасини ҳечам емаганман. Балки у бутунлай айнаиб қолмагандир? Йўқ, уни емайман, лекин шунча пуллик нарсани ташлаб юбориш... Қачондир имкон бўлса жон деб еб кўрган бўлардим. Бир марта бўлсам. Страсбург паштети шундай мазали таом!».

– Худойим-ей, кўз қўймайди-ку! – ҳасрат билан гапиринди пан Михл. – Ҳеч нарсдан ҳеч нарса йўқ, шартта олиб отвориш...

Пан Михл кўз қири билан мушукка қараб қўйди, столда хур-хур

қилиб ўтирибди. «Менинг якка-юягона дўстим, – унга қараб тўлқинланиб кетди пан Михл. – Худо ҳақи, ундан ажралишни истамайман. Лекин паштетни шундоқ ташлаб юборолмайман-ку, қанча пул тўлаганман ахир! Асл Страсбург паштети, мана, ёзиб қўйилган».

Мушук мулоим хуриллаб қўйди.

Пан Михл қизил банкани олиб, индамай полга қўйди. «Ма, нима қилсанг қил, ҳайвон. Ҳаммасини жиғилдонингга урасанми ё бошқа қиласанми, билмадим. Лекин уни ташлаб юборишга қўлим бормаиди».

«Мен ўзим бу нарсани умрим бино бўлиб татиб ҳам кўрмаганман. Майли-да... менга ўхшаганлар бунақа нарсаларни емай ҳам юраверамиз. Бир бўлак ноннинг ўзиям қифоя бизга. Бошқа яна нима керак? Бунақанги қиммат паштетлардан ейишим шартми? Аммо-лекин уни ташлаб юбориш увол. У яхшигина пул туради, оғайни. Уни ташлаб юбориш умуман ярамайди».

Эман столдан сакраб тушиб паштет томонга юрди. У банкани узоқ тафтиш қилиб, ниҳоят ишонқирамагандай бўлиб паштетни ейишга тушди.

– Қўриб қўйсинлар, – тўнғиллади пан Михл, – дунёда сендан ҳам яхшироқ яшаётган мушук бормикан? Шунақа... бировларнинг омади боракан. Менинг эса омадим чопмади.


Шу кеча у беш марталар уйғониб мушукни туртиб кўрди. Бўкиб қолай деган Эман эса эринибгина хуриллаб қўярди.

Шундан бери пан Михл ҳар замонда мушугига заҳрини сочиб туради.


– Пишт-е, – ўшқиради у Эманга, – сен менинг паштетимни еб қўйгансан, овозинг чиқмасин!

«Huquq va burch» журналини онлайн харид қилиш учун ЙЎРИҚНОМА

1 www.huquqburch.uz сайтига кириш.



3 Ўзингизга зарур журнални танланг ва “саватга қўшиш” тугмасини босинг.



Huquq va burch 2019/1

20 000 сўм

Buyurtma qilish

4 Ҳосил бўлган ойнадан “view cart” тугмасини босинг.

You cannot add another "Huquq va burch 2019/1" to your cart.

View cart

4 “Буюртма бериш” тугмаси орқали тасдиқлаш бўлимига ўтиб, тегишли маълумотларни тўлдиринг.

Маълумотлар

Исми * Фамилия *

Фирма номи (мажбурий эмас)

Давлат *

Манзил *

Кўча номи, уй рақами

Корпус, қўшимча маълумот

Шаҳар / қишлоқ номи *

Вилоят *

Ташкент

Почта индекси *

Телефон рақам *

Email манзил *

5 Маълумотларни киритиб бўлганингиздан сўнг қулай тўлов усулини танланг.

Буюртмангиз

Номи	Жами
Huquq va burch 2019/1 × 1	20 000 сўм
Жами	20 000 сўм
Умумий тўловга	20 000 сўм

CLICK

Оплатить с помощью CLICK

Payme

Pay

Шунингдек, онлайн сотиб олиш бўлимига кириш учун ушбу QR-коддан фойдаланиш мумкин.



Таар 21158




HUQUQIY
AXBOROT
PORTALI

Ушбу хизмат
орқали сиз



Электрон журнал

Нашрни PDF форматда
компьютер ёки смартфонгизга
юклаб олинг.



Онлайн обуна


Уйингиздан чиқмасдан
бу юртма беринг.



Тўлов тизимлари

Хизмат учун тўловларни
Payme ҳамда Click тўлов
тизимлари орқали
амалга оширишинг.

Журналимиз энди ЭЛЕКТРОН ШАКЛДА!



ОНЛАЙН ОБУНА
3, 6 ва 9 ойлик

+ 10 йиллик архив
супер чегирма
нархларда

Азиз муштарий!

Нашримизни
энг биринчилар қаторида
ўқишни истасангиз
«Онлайн обуна»
хизматимиздан фойдаланинг.



Журнални сотиб олиш ва онлайн обуна бўлиш учун куйидаги
ҳаволага кириш: <http://huquqburch.uz/shop/>